

MUNDARIJA
СОДЕРЖАНИЕ
CONTENT

Абдуллаев А., Муродов Б. Илмий ва амалий ҳамкорлик	3
Абдуллаев И.К., Дўсчанов Ш.Б., Маткаримов М.У. Кекса ёшдаги аҳоли саломатлиги тўғрисида айрим маълумотлар	3
Абдуллаев Р.Б., Худойқулова Ф.Х., Ҳамидова Г.С. Қарияларда магнитотерапия ва игир ўсимлигининг сурункали гепатит касаллигини даволашдаги самарадорлиги	4
Абдуллаев Р., Ҳамидова Г., Полвонова С. Жигар ёғли гепатоз касаллигини қарияларда эрта аниқлаш ва самарали даволаш усуллари излаш	5
Аниезова Д.Ж. К вопросу о качестве жизни пожилых людей	5
Асадов Д.А., Касымов А.И. Гуманизация медицинского образования	8
Асадов Д., Ҳамроев А., Мирворисова Л., Арипов Т. Оролбўйи худудида сил касаллиги билан касалланишнинг ёшга доир хусусиятлари ва муаммолари	10
Атажонов У.Ж. Каримов Р.О. Буйрак касалликларида диетология - тўғри овқатланишнинг асоси	13
Атажонов У.Ж., Маткаримов М.У., Дўсчанов Ш.Б. Соғлом овқатланишнинг ҳазм тизими ва буйрак касалликларидаги аҳамияти	14
Атаханова Ш.Ш., Муминова Г.Г. Особенности лечения истираемости зубов у лиц пожилого возраста	15
Атаханова Л.Э., Талипова Ю.Ш., Сагатова Х.М., Тулабаева Г.М. Возможности коррекции климактерического синдрома и улучшение показателей качества жизни женщин в климактерии	16
Бекчанов Х.Н., Искандаров С. Создание полифункциональных новых препаратов на основе куркумы	17
Дусчанов Б., Рузметов Б., Исмоилов Б. Питание как основной фактор долголетия пожилых людей	18
Зокирхўжаев Ш.Я., Нарзиев Н. Ибн Сино таълимотида улуғ ёшдаги одамлар саломатлиги ҳақида	20

Иргашев Ш.Б. Исторические предпосылки и современные валеологические принципы сохранения здоровья пожилых и старых людей	22
Искандаров С., Бекчанов Х., Разикова И. Новые видения в создании гериопрепаратов	24
Искандарова Ш.Т., Абдурахимов З.А., Бабажанов О.А. Результаты анкетирования пациентов по вопросам информирования их о своем здоровье ..	25
Кадыров А.М., Ахмедиева А.Т. Социально-экономические последствия изменения демографической структуры населения в современных условиях	28
Каримов Ш.И., Аталиев А.Е. Особенности течения, диагностики и тактические подходы к лечению абдоминальной хирургической патологии у пожилых	30
Каюмов У.К., Саипова М.Л. Связь динамики распространённости основных компонентов метаболического синдрома с возрастом популяции	32
Мавлянов Ж.А., Мавлянов А.Р. Показатели функционального состояния вегетативной нервной системы у лиц пожилого и старческого возраста язвенной болезнью желудка и двенадцатиперстной кишки	33
Мавлянов А.Р., Мавлянов Ж.А. Клиническое значение процессов п-ацетилирования у лиц пожилого и старческого возраста при осложнениях язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки	35
Мадаминов Р., Тешаев О., Аталиев А. Худайбергана Н., Рузиев У. Особенности диагностики и лечения острого холецистита у лиц пожилого и старческого возраста	37
Маматова Н.М. Тамаки чекиш муаммосининг кенг тарқалиб боришида ёшнинг аҳамияти	38
Маматова Н.М. Тамаки чекувчилар орасида касалланиш даражаси ва турлари..	39
Маткаримова Д.С., Рахманова У.У., Маткулиева М. Тенденции и особенности иммунного микротромбозоваскулита (имтв) и идиопатической тромбоцитопенической пурпуры (итп) у	

- пожилых лиц в условиях Южного Приаралья41
- Муминова Г.Г., Абдюсупова К.М., Фаттахов Ш.А.** Особенности течения красного плоского лишая у лиц пожилого возраста41
- Назирова М. Н.** Ёшликни сакловчи маъжун42
- Назирова М.Н.** Кексайишни узоклаштирувчи маъжун43
- Отабоев Ш.Т., Дўсчанов Б.** Экология ва умрбоқийлик муаммолари45
- Рузиев У., Мавлянов А., Мавлянов Ж.** Влияние персистенции helicobacter pylori на активность системы перекисного окисления липидов – антиоксидантной защиты и степень эндотоксемии у лиц пожилого и старческого возраста с гастродуоденальной язвой46
- Рўзметов Б., Дўсчанов Б.** Ўзбекистонда аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари .48
- Саидов С., Джаббаров Н., Акбаров Д.** Кекса ёшда вазомотор бузилишлар билан асоратланган ҳолатларни комплекс физиоген даволаш50
- Собиров Р., Жалилов Х., Дўсчанов Ш., Собиров Х.** Гериатрияда ишлатадиган доривор ўсимликлар52
- Содиқова Ш.М.** Шарқда қарияларни кадрлаш масалалари53
- Талипова Ю.Ш., Атаханова Л.Э., Тулабаева Г.М., Хашимова Л.А., Сагадова Х.М.** Изучение кальциноза клапанных структур сердца у лиц пожилого и старческого возраста56
- Тулабаева Г.М., Исмаилова М.Ш., Сагадова Х.М., Хусанов А.А.** Кардиопротективный эффект моксонидина у больных артериальной гипертензией57
- Турсунов Э., Каримова Г., Жамолов Н., Ниғматова Д.** Қарияларни ижтимоий муҳофаза қилишда поликлиника ва маҳалла ҳамкорлигининг роли ҳақида ..58
- Турсунов Э., Вафоев Д., Минзагитова С.** Морфологические и морфометрические изменения нейронов головного мозга у людей старческого возраста59
- Хамраев А.К., Сейтмуратов Р.К., Мадраимов А.** О динамике заболеваемости туберкулезом в Республике Каракалпакстан.....60
- Холов Х.А., Тешаев О.Р., Аталиев А.Е., Мавлянов А.Р.** Клинические особенности течения неосложненной язвы у лиц пожилого и старческого возраста63
- Худайберганов А.С.** Проблемы питания в геронтологии64
- Худайбергенов А.М., Атаханова Л.Э., Насриддинова Н.Н.** Проблемы геронтологии в современном Узбекистане67
- Худайбергенов А.М., Дадаев Х.А.** Геронтология в трудах Ибн Сины71
- Худайбергенов А.М., Дадаев Х.А.** Ароматотерапия в геронтологии72
- Худайбергенова Н. Аталиев А., Мадаминов Р., Шатемиров В. Рузиев У.** Межмышечный минидоступ при холециститах у лиц пожилого и старческого возраста73
- Хусанов А.А., Тулабаева Г.М., Сагадова Х.М., Атаханова Л.Э., Талипова Ю.Ш., Азизова Ф.Ф.** Оценка эффективности дилтиазема у больных хронической обструктивной болезнью легких, ассоциированной с гипертонической болезнью74
- Чембаев Б.Р., Ешимбетова С.З.** Особенности шизофрении у больных пресенильного и сенильного возраста, совершивших общественно опасные действия, направленные против личности.....75
- Шукуруллаев К.Ш., Каландарова У.А., Матризаев Т.Ж.** Влияние бутадиона на течение “ адьювантного артрита “ у крыс разного возраста76
- Эшчанов Р., Собиров Р., Мурадов Б., Худайкулова Ф.** Гериатрияда янги хрозофорин препарати77
- Юсупова О., Атажонов У.** Кекса ёшли кишилар психогигиенаси78
- Қурбонов Ш., Дўсчанов Б., Қурбонов А., Раҳматуллаев Ё.** Узок умр кўриш ва тўғри (рационал) овқатланиш79
- Ғойипов М.А.** Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида узок умр кўриш ҳақида82

ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

**Абдуллаев А., Муротов Б. -
Қўқон “Меҳригиё” фирмаси,
Хоразм Маъмун академияси**

Кейинги йилларда Хоразм Маъмун академияси олимлари Қўқон туманида фаолият кўрсатаётган “Меҳригиё” фирмаси билан илмий ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйдилар.

Асосий мақсад “Меҳригиё” фирмаси худудида ўстирилаётган доривор гиёҳлар ва Хоразм Маъмун академияси қошидаги “Доривор ўсимликлар боғи”да маданий ҳолда ўстирилиб келинаётган шифобахш ўсимликлар, шунингдек, хориждан Ўзбекистон ички бозорига ярим хом-ашё сифатида кириб келаётган, Ўзбекистон флорасида учрамайдиган, таркибида биологик фоал гериатрик моддалардан иборат профилактик ичимликлар, йиғма чойлар ва бальзамларни ишлаб чиқарилишини йўлга қўйишдан иборат.

Ҳозирда “Меҳригиё” фирмасида гериатрик шифо мақсадида ишлатиш мумкин бўлган доривор ўсимликлардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Улар – Қизилмия илдизи (солodka голоя), тухумак (сафора японская), ҳақиқий женьшень (женьшень настоящий), манжурия аралияси (аралия манжурская), эхинопанакс (заманиха высокая), электрококк (электрококк колючий), Хитой схизандраси (лимонник китайский) ва бошқалар. Бу ўсимликларнинг шифобахш қисмларидан “Хаома” йиғмаси, “Подшолар” дориси, “Олатов” бальзами, “Хива” бальзами йиғма дори шаклида ва бир нечта турдаги фито чойлар тайёрланиб, Хоразм вилояти дорихоналарига чиқарилган. Булар асосан кексаларга хос касалликларни олдини оладиган, даволайдиган шифобахш препаратлардир. Айниқса, қариб бораётган организмнинг адаптацион имкониятлари (тонуси)ни оширувчи, эндокрин безлар фаолиятини ошириб, моддалар алмашинувини яхшилашда ишлатилади.

Юқорида келтирилган препаратларнинг рецептураси, таркиби ва дори шаклини тайёрлаш технологияси, фармакологик таъсир механизми Хоразм Маъмун академияси олимлари томонидан илмий асосланган ҳолда тиббиёт амалиётига профилактик ва даво восита сифатида тавсия қилинмоқда.

КЕКСА ЁШДАГИ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ТЎҒИСИДА АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР

**Абдуллаев И.К., Дўсчанов Ш.Б.,
Маткаримов М.У. – ТТА Урганч
филиали**

Жамият равнақиға ўзининг ақлий, маънавий ва жисмоний кучини сафарбар этган нафақа ёшидаги аҳоли қатламига малакали ва ихтисослашган тиббий хизматни сифатли ташкил этиш соғлиқни сақлаш тизимининг устивор вазибаларидан ҳисобланади.

Жами аҳолининг 49.2% ни ёши катта шахслар ташкил қилиб, мос равишда бугунги кунда ўртача умр давомийлиги Республикамиз бўйича 73.1 ёшга етган.

Юрак қон томир тизими касалликлари билан бирламчи касалланиш кўрсаткичи 2012 йилги маълумотларга кўра, 65 ёшдан катта аҳоли орасида, 65 ёшгача бўлганларга нисбатан 2,3 маротаба ёки 58% га юқори эканлиги аниқланган. Мос равишда ногиронлик 4.2 маротаба ва ўлим 8 маротаба кўплиги қайд этилган.

Онкологик касалликлар, буйрак ва сийдик йўллари касалликлари ҳамда асаб ва руҳий тизими касалликлари билан касалланиш даражаси бу ёшдаги беморларда 3 маротаба юқори ва кейинги 5 йилда ўсиш хусусияти аниқланган. Ушбу синф касалликларидан ногиронлик 5, ўлим эса 6 маротаба юқори.

Мурожаатларга кўра 65 ёшдан катта аҳоли 65 ёшгача бўлган аҳолига нисбатан ДПМларга қарийиб 12 маротаба кўп мурожат қилишган. Шундан 4 маротабаси ҚВПларга тўғри келади, стационарларда 1.2 маротаба кўп

ётишлари маълум бўлган. Бемоларнинг ўртача даволаниш кунлари 1,8 кунга юқори. Битта беморга тўғри келадиган ташхислар сонидоги нисбат ҳам 2,6 маротаба юқорилигини айтиш мумкин.

Герентолог мутахассисларининг сони 10000 аҳолига 7 тани ташкил этади. Республика реабилитация марказларининг сони 19 та ва қариялар ва фахрийларга ихтисослашган маказлар сони 12 тани ташкил этади. Республикамиздаги қатор тиббий тўпламларда алоҳида геронтология ва гериатрия соҳасидаги мақола ва тезислар нисбатан жуда камлигини таъкидлаш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қарияларга ихтисослашган тиббий муассасалар сонини режали кўпайтириш, тегишли мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш ва ушбу йўналишда алоҳида тиббий-ижтимоий ўрганишларни амалга ошириш ҳамда зарур амалий чоратадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

ҚАРИЯЛАРДА МАГНИТОТЕРАПИЯ ВА ИГИР ЎСИМЛИГИНИНГ СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДАГИ САМАРАДОРЛИГИ

**Абдуллаев Р.Б., Худойкулова Ф.Х.,
Ҳамидова Г.С. - ТТА Урганч филиали**

Илмий тадқиқотдан мақсад экологик жиҳатдан ноқулай ҳисобланган Хоразм вилояти шароитида қарияларда сурункали гепатит (СГ) касаллигини даволашнинг қулай, самарали ва тежамли усулини тақлиф этишдан иборат.

Кузатувимизда бўлган жами 62 қария (32 эркак, 30 аёл) даволаш мажмуасига қараб 4 гуруҳга бўлинди: 1- гуруҳдаги 16 беморга СГни даволаш учун умумқабул қилинган стандарт базис даво (УД) қўлланилди (контрол гуруҳ); 2- гуруҳдаги 14 беморга УДга қўшимча магнитотерапия киритилди; 3-гуруҳдаги 14 бемор УД мажмуасига Хоразм шароитида яхши ўсадиган игир илдизпоясининг дамламаси

қўшиб даволанди; 4-гуруҳдаги 18 бемор УД билан бирга магнитотерапия ҳамда игир дамламаси қабул қилишди. Барча гуруҳдаги беморларнинг жинси, касалликнинг оғирлик даражаси, даволаниш фасли ва шароити бир-биридан кескин фарқ қилмади. СГ ташхиси учун умумклиник, лаборатор, биокимёвий ва ультратовуш билан текшириш усуллари қўлланилди.

Магнитотерапия Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган АМТ- 01 магнитерасбоби ёрдамида амалга оширилди. Бунинг учун 15 кун давомида, кунига бир маротаба, ўнг қовурға ости соҳасига 30 мТа кучланишдаги паст частотали магнит майдони (50 Гц) билан 20 минут давомида таъсир қилинди. Магнитотерапия муолажасини қўллашнинг назарий асосланиши унинг репаратив регенерация жараёнларига ижобий таъсири, яллиғланишга қарши ва оғриқсизлантирувчи самараси, микроциркуляцияни яхшилаш хусусиятлари билан изоҳланади.

Игир илдизпоясида 5% гача эфир, анорин гликозиди, 25% гача крахмал сақланади. Баргида эфир мойи, танидлар ва 150 мг % гача витамин - С бор. Табобатда игир илдизпоялари жигарнинг ўт ажратиш фаолиятини ҳамда ўт пуфаги тонусини нормаллаштириши тажриба йўли билан исботланган. Ўсимлик таркибидаги экстрактида оғриқ қолдириш ва спазмларни бартараф қилиш хусусиятига эга бўлган моддалар аниқланган. Тайёрлашда қуришиб майдаланган игир илдизпоясини (15 гр) сирланган идишга солиб, устига 0,5 л қайнаган сув қуйилади ва идиш қопқоғи ёпилади. Қайнаб турган сувда 30 дақиқа қўйилади, кейин ундан олиниб 10 дақиқа тиндирилади ва сузиб олинади. Тайёрланган дахлама 1 чой қошиқдан кунига 3 маҳал 18-20 кун давомида ичилади.

Терапевтик самара мезони сифатида беморларда клиник сиптомлар ва шикоятларнинг камайиши, умумий аҳолининг яхшиланиши, лаборатор кўрсаткичларнинг меъёрга қайтиши,

беморларнинг шифохонада ётиш муддати инобатга олинди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, СГ билан касалланган беморларнинг шифохонада ётиш муддати, умумий ахволининг яхшиланиш муддати, шикоятларининг камайиши 4-гуруҳда энг кам вақтни ташкил этди. Худди шундай ижобий кўрсаткичлар клиник симптомларнинг сўниш муддатида, лаборатор кўрсаткичларнинг яхшиланишида ҳам 4-гуруҳда яққол намоён бўлди.

Сурункали гепатит касаллигини даволашда умумқабул қилинган стандарт даволаш мажмуасига магнитотерапия ва ватанимизда ўсадиган даволовчи ўсимлик сифатида қўлланиладиган игир дамламасини қўллаш ишончли ижобий объектив ва клиник самара беради.

Шифохоналарда, поликлиникаларда, кишлоқ врачлик пунктларида (КВП) ҳатто уй шароитида сурункали гепатит касаллигини даволашда - тайёрланиши осон, захираси мўл, нархи арзон, самараси юқори бўлган мазкур даволаш усулини кенг йўлга қўйилишини таклиф қиламиз.

Шифохоналарда, КВП (ШВП) ва поликлиникаларда муолажа хонаси ёки физиотерапия хонасида шифокор назоратида бир нафар ҳамшира томонидан шу даволаш усули йўлга қўйилса анча фойдали бўлар эди.

ЖИГАР ЁҒЛИ ГЕПАТОЗ КАСАЛЛИГИНИ ҚАРИЯЛАРДА ЭРТА АНИҚЛАШ ВА САМАРАЛИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИЗЛАШ

**Абдуллаев Р., Ҳамидова Г., Полвонова С. –
ТТА Урганч филиали, Ўзбекистон
врачлар уюшмаси**

Долзарблиги. Кейинги вақтларда қариялар ўртасида кам ҳаракатлик, бир зайлда овқатланиш, ёғли овқатларни кўп истеъмол қилиш “хайвон ёғлари” жигар ёғли гепатозига олиб келмоқда. Ёғли

гепатозлар ўз навбатида сурункали гепатит ва қолаверса жигар циррозига олиб келиб қариялар ўртасида ногиронликни кўпайишига олиб келмоқда.

Мақсад. Жигар ёғли гепатоз касаллигини эрта аниқлаш ва самарали даволаш усулларини излаш.

Материаллар ва услублар. Хоразм вилояти Янгибозор тумани “Халқобод” ҚВПда текширилган 350 нафар қария ўртасида УЗД диагностикаси ўтказилганда 68 та аёлда (ўртача ёши 63,2) ёғли гепатоз аниқланди. УЗД текширув ВМПР 840 аппаратида ўтказилди. Текширилган беморлар тенг 2 та гуруҳга ажратилди. 1-гуруҳга – эссенциале препарати 1 капсуладан кунига 3 маҳал 3 ой давомида берилди ва 2-гуруҳга холудексан препарати 1 капсуладан кунига 2 маҳал 3 ой давомида берилди.

Натижалар ва хулоса. Даволашдан олдин текширувдан ўтказилган беморларда жигар эхогенлиги ошган, эхоструктураси майда дондор, томирлар сурати аниқ кўзга ташланмаслиги аниқланди. 3 ойлик даволашдан кейинги натижаларда куйидагилар аниқланди: 1-гуруҳ текширилганларда 11 тасида жигар эхогенлиги яхшиланди ва томирлар сурати яхши визуализацияланди, 2-гуруҳ ўртасида 23 тасида жигар эхогенлиги яхшиланди ва томирлар сурати яхши визуализацияланди.

Хулоса сифатида холудексан препарати ёғли гепатоз касаллигида кўпроқ самара кўрсатганлини айтиш мумкин.

К ВОПРОСУ О КАЧЕСТВЕ ЖИЗНИ ПОЖИЛЫХ ЛЮДЕЙ

Аниезова Д.Ж. - ТашИУВ

Старость - это естественный этап человеческого развития, который продлевается с каждым годом, благодаря развитию медицинских технологий и общественного здравоохранения. Показатели смертности значительно снизились во всем мире в результате предупреждения инфекционных заболеваний, путем применения вакцинации, соблюдения

гигиенических мер, а также улучшения уровня жизни. Все эти факторы привели к росту числа пожилых людей и повышению средней продолжительности жизни во всем мире. По данным Всемирной организации здравоохранения, в период между 2000 и 2050 гг. доля населения старше 60 лет в мире удвоится приблизительно с 11% до 22%, а их абсолютное число – с 605 миллионов до 2 миллиардов. Если средняя продолжительность жизни вначале 1950 гг. составляло 45 лет, к 2020 году она достигнет 73 лет.

Как и во всем мире, так и в Узбекистане доля людей в возрасте 60 лет и старше растет. Средняя продолжительность жизни также растет. Если в 2000 году она составляла 70 лет, в 2010 году составила 73 года.

В нашей стране к пожилым людям относятся с уважением как к «старейшинам». Благодаря своей мудрости, люди старшего поколения являются потенциалом общества. Они участвуют в общественной, культурной и духовной деятельности путем привлечения в махаллинские комитеты, работают оксакалами и советниками махалли, передают культурные ценности молодому поколению.

Пожилые люди работают, добровольно участвуют в общественных делах, а также оказывает поддержку своим детям после выхода на пенсию. Пожилые люди являются трудовым ресурсом страны, так как они имеют огромный багаж знаний, отработанные годами профессиональные навыки и практический опыт, что вносит вклад в социально-экономическое развитие. По результатам проведенного в 2000 году опроса, пожилые люди с высшим и средним специальным образованием, квалифицированными навыками в различных сферах деятельности составляли 88,88% в городе и 83,05% сельской местности. Доля работающих пенсионеров составляла 52,9%, являясь при этом финансовым источником для семьи. Мотивами продолжения трудовой

деятельности для них являлись моральная, социальная и материальная заинтересованность. Наряду с этим, неработающие пожилые люди, особенно женщины, являются незаменимыми помощниками семьи, так как они ведут домашнее хозяйство, воспитывают внуков.

Многие люди после 60 лет остаются активными и здоровыми. Хорошее здоровье очень важно для пожилых людей, так как это дает им возможность быть независимыми. Кроме того, увеличение продолжительности активной жизни данного слоя населения повышает экономическую эффективность их трудового потенциала. Однако, с годами состояние их здоровья ухудшается, в связи с возрастными изменениями (ухудшение слуха, зрения, ограничение подвижности) а также хроническими заболеваниями. Первичное звено играет большую роль в поддержании хорошего здоровья в пожилом возрасте, путем раннего выявления и лечения заболеваний, что предупреждает возникновение осложнений, которые могут требовать еще больших финансовых затрат. Результаты проведенных исследований в 2000 году, выявили потребности в медицинской помощи у 82%, в социальных услугах у 85,9%, в экономической поддержке у 58% пожилых лиц. Это приводит к увеличению нагрузки на систему здравоохранения, так как спрос на неотложную и первичную медико-санитарную помощь повышается. По результатам исследования, проведенного в Джизакской области, частота обращаемости населения в службу скорой медицинской помощи в 2005г составила 1039,4 на 10 тыс. населения, и 1266,9 в 2008г., увеличившись, таким образом, на 21%. Наибольшая доля вызовов (42,5%) поступила от лиц в возрасте 60 лет и старше, а также больных в возрасте 50-59 лет (12,4%). Основными причинами вызовов являлись хронические болезни системы кровообращения (60-69лет - 52,1%, 70-79 лет -

56,5%, 80 лет и более - 68,4%), органов дыхания и пищеварения.

В среднем у одного пожилого больного обнаруживаются сочетание от 2 и более патологий. Кроме того, заболевания ПЛ имеют ряд особенностей, такие как множественные патологические состояния, неспецифические проявления болезней, быстрое ухудшение состояния здоровья при отсутствии лечения, высокая частота осложнений, дальнейшая реабилитация. Следовательно, основными потребителями медицинских услуг являются ПЛ, поэтому 60% бюджета здравоохранения расходуется на медицинские услуги для пожилых больных, поскольку стоимость лечения пожилых в несколько раз выше стоимости лечения другого контингента населения.

Несмотря на проводимую работу, направленную на улучшение качества оказываемых медицинских услуг, к сожалению, до настоящего времени в нашей стране не изучены аспекты репродуктивного и сексуального здоровья пожилых людей. Наравне с другими слоями населения, лица пожилого возраста, как мужчины, так и женщины, имеют немало проблем в этой сфере, вызванные возрастными изменениями (к примеру, климактерические проявления: приливы, повышенное потоотделение, сухость влагалища; простатит, изменение сексуальной активности). Кроме того, в этом возрасте широко распространены заболевания репродуктивной системы, такие как аденома простаты, рак простаты, прямой кишки, шейки матки и молочной железы. В нашей стране не изученными остаются аспекты сексуального здоровья и проблемы лиц пожилого возраста, их потребности и доступность услуг в этих вопросах. Однако, отсутствие или недостаточная информированность о проблемах репродуктивного и сексуального здоровья этого слоя населения, некомпетентность специалистов, а также сложившиеся стереотипы являются барьерами в своевременном обращении и

получении адекватных услуг. Это препятствует полноценному удовлетворению репродуктивных и сексуальных потребностей пожилых людей, что отражается на качестве их жизни.

Серьезной проблемой является ситуация, связанная с пожилыми людьми с ограниченными возможностями. Им помощь оказывается со стороны семьи, соседей, махалли и учреждений системы здравоохранения. Забота членов семьи о пожилых родителях и родственниках в Узбекистане является морально-этической правовой нормой. Проведенный опрос показал, что 91,5% пожилых лиц проживают совместно с детьми и родственниками, которые ухаживают за ними. Малое количество пожилых людей в домах для престарелых объясняется культурными ценностями народа, так как забота и внимание к пожилым считается святым долгом детей. Болея, они становятся полностью или частично зависимыми, так как не могут самостоятельно передвигаться или осуществлять самообслуживание, что повышает спрос на длительный уход. Часто это потребность проявляется в виде ухода на дому, или длительной госпитализации. Однако, это имеет отрицательные последствия для семьи, поскольку требует немалых социальных и экономических затрат, так как, если в семье имеется пожилой человек с ограниченными возможностями, дети из чувства долга ухаживают за больными родителями и часто вынуждены бросить работу, что отражается в их семейном бюджете. Результаты проведенного в 2002 году опроса показали, что при уходе за пожилыми людьми ухаживающие в 38,5% случаях сталкивались с финансовыми проблемами. Кроме того, медицинские услуги также требуют немалых финансовых затрат, что еще глубже ухудшает финансовое состояние семьи.

Данный предварительный анализ выявил следующие проблемы геронтологии и гериатрической службы:

1. Отсутствуют источники, позволяющие изучать показатели уровня здоровья и социального статуса пожилых людей;

2. Не изучен уровень удовлетворенности пожилых людей оказываемыми медицинскими и социальными услугами;

3. Не изучены потребности пожилых людей в медицинских и социальных услугах;

4. Не изучены информированность, потребность пожилых людей в услугах по репродуктивному и сексуальному здоровью, их доступность и качество;

5. Не изучена потребность в кадрах для первичного звена по гериатрии и социальной службе;

6. Отсутствуют учебные заведения по подготовке квалифицированных социальных работников;

7. Отсутствуют учебные программы по гериатрии для додипломного и постдипломного образования;

8. Отсутствуют клинические практические руководства, стандарты и протоколы по гериатрии для специалистов первичного звена системы здравоохранения.

Исходя из вышеизложенных проблем, необходимо изучить медицинское, социальное и экономическое положение лиц пожилого возраста в Республике Узбекистан, с акцентом на аспекты репродуктивного, сексуального здоровья, доступности и качества услуг в этой сфере; уровень удовлетворенности и потребности пожилого населения и разработка мер, направленные на улучшение качества их жизни.

ГУМАНИЗАЦИЯ МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Асадов Д.А., Касымов А.И. -
ТашИУВ**

Гуманистические тенденции общественного развития, являясь закономерным итогом глобального исторического процесса, в XXI веке обретают все большее значение.

Нельзя не отметить тот факт, что в современных реалиях как никогда прежде духовно-нравственные идеалы исторического прошлого объективно выступают залогом устойчивого будущего, основой формирования новой генерации врачей. В этих условиях исторический опыт нравственного развития в его современном системном выражении обретает особую ценность: именно он может и должен стать источником новых форм и методов работы с молодежью, реальной духовной основой формирования этического и деонтологического воспитания специалистов завтрашнего дня.

Признание системообразующего значения духовности в развитии медицины как науки дает толчок к дальнейшей интеграции медицины в сферу гуманитарного осмысления проблем человековедения в его самом сложном, биомедицинском аспекте. В современной медицине речь идет уже не только о помощи больному в самом широком деонтологическом смысле, но и о возможностях управления процессами зачатия и умирания, с весьма неоднозначными физиобиологическими и нравственными последствиями для человека как биологического вида в целом.

Культурно-исторический подход к изучению проблем медицины получил широкое распространение в начале 80-х годов. Появляется целый ряд работ по медицинской антропологии, вновь привлекается внимание к тесной взаимосвязи здоровья человека с культурно-социальной средой, изучаются культурные традиции и обычаи с точки зрения их влияния на здоровье людей и развитие медицинской помощи.

В наше время как никогда необходима новая постановка проблемы этического и деонтологического воспитания в медицинских вузах. Суть этого подхода должна сводиться к той простой истине, что прежнее «априорное» различие между ценностями научными и этическими более неприемлемо. Больше того, важно понять, что устойчивое будущее невоз-

можно без гуманизации фундаментального, и прежде всего, медицинского образования, формирования универсальной личности с высоким потенциалом духовности.

Важно отметить, что для нас это не инновация, а скорее традиция. С древнейших времен понятие «образованный человек» на нашей земле имело синоним *комил инсон* - совершенный человек. Согласно традиционному на Востоке представлению, образованность - это не только знания и профессиональное мастерство, она неотделима и от таких качеств, как духовность, культура ума и высокая нравственность. Более тысячи лет назад в Бухаре и Самарканде, Багдаде и Каире активно шло освоение античного опыта, ставшего основой для синтеза новых идей. Собственно поэтому в современной научной литературе эту эпоху, охватывающую период VII—XII веков, принято называть Восточным Возрождением - Мусульманским Ренессансом.

Особенно ярко этот Ренессанс проявился в медицине. По сути это была первая волна неогиппократизма, как прямого обращения к авторитету великого грека в области медицинской этики и деонтологии, которое стало основой этики врача Восточного Возрождения. Вдохновленные и вооруженные идейным наследием Гиппократов Аль-Рухави, Ар-Рази, Ибн Сина, Маймонид создали открытую систему моральных ценностей - Адаб аль-табиб, которая обогащалась в течение нескольких веков плодотворной работы по освоению античного наследия. В отличие от европейского неогиппократизма с его прямолинейным лозунгом «Назад к Гиппократу», эта система ценностей синтезирует и развивает заложенную великим врачом античности этическую линию в медицине. Линия эта настолько гибка и многофункциональна, что может адаптировать древнее знание даже к биоэтике XXI века. Расширяя, по сравнению с Гиппократом, этическое пространство

взаимоотношений «врач - больной», этот средневековый неогиппократизм позволяет в равной степени решать проблемы соблюдения принципа «не навреди» и сохранения врачебной тайны, т.к., значительно выходя за рамки античной традиции, широко использует индивидуально-типологический подход.

Именно в свете этого периода неогиппократизма важность проблемы гуманизации медицинского образования находит свое подтверждение и в реалиях современного мира. Международный опыт показывает, что гуманизация образования способствует повышению профессиональной мобильности. Поскольку главным источником такой гуманизации является исторический опыт, системно имплементированный в современность. Ведь историческая память, культура ума, широта мышления формируются в основном на конкретной этнокультурной почве. Их продуктивность, как, в частности, показал японский опыт, исключительно высока. Не давая, казалось бы, конкретных практических трудовых навыков, гуманизация формирует личностные черты, необходимые будущему врачу в условиях информационного общества, способствует максимальной социальной адаптации, создает условия, когда этика и деонтология делают его более востребованным в самых разных сферах медицины и здравоохранения.

История, философия, культурология, религиоведение, экологическая культура - все эти направления гуманитарного знания могли бы быть специфицированы в системе исторического опыта развития духовно-нравственных основ медицины - этике врача. Синтезированные таким образом гуманитарные дисциплины могли бы быстрее достигнуть цели гуманизации образования в медицинских вузах, нежели в разрозненном, узкоспециализированном виде. Это отвечало бы не только запросам гуманизации высшего образования в медицинских вузах, но и, прежде всего, способствовало формированию универ-

сальной личности в системе ценностей современной цивилизации.

Преодоление стереотипов поведения врача по отношению к больному - процесс сложный, но управляемый, в том случае, если отжившую этическую установку заменяет не новая, революционная, а такая же традиционная, но более адекватная новым требованиям медицинской деонтологии.

Включение исторического опыта в современное развитие духовно-нравственных основ медицины позволит гуманизировать систему медицинского образования не по форме, а по сути, создать оптимальные условия для подготовки молодых специалистов, вступающих в новую социальную реальность, обретая духовную зрелость и широту мышления, готовых служить своему народу и стране.

ОРОЛ БЎЙИ ХУДУДИДА СИЛ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛА- НИШНИНГ ЁШГА ДОИР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

**Асадов Д.А., Хамраев А.К.,
Мирварисова Л.Т., Арипов Т.Ю. –
ТошВМОИ**

Сил касаллиги XXI асрда ҳам долзарб тиббий-ижтимоий муаммолигича қолмоқда. Айниқса, кейинги 15-20 йил давомида дунёда ОИВ инфекциясига чалинган шахслар сонининг кескин ошиши сил касаллиги билан касалланиш ва ундан ўлим ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлди. Соҳа экспертлари ОИВ инфекцияси пандемияси ва сил касаллигининг дори воситаларига чидамли турларини кенг тарқалиши дунёнинг барча мамлакатларида сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятнинг мураккаблашишига таъсир кўрсатаётган асосий омиллар, деб ҳисобламоқда [2].

Қорақалпоғистон Республикасида кейинги 10 йил давомида амалга

оширилган чора-тадбирлар натижасида сил касаллиги билан бирламчи касалланиш 55.2% га (2002 йилги ҳар 100 минг нафар аҳолига 183 дан 2012 йилда 101 гача), мазкур касаллик сабабли ўлим кўрсаткичи қарийб уч баробар камайишига (39.6 дан 13.5 га) эришилган. Шунга қарамадан сил касаллиги, айниқса унинг дори воситаларига чидамли турлари тарқалганлиги сабабли ҳудудда эпидемиологик вазият мураккаблигича қолмоқда. Сил касаллиги кўрсаткичларини беморларнинг ёши бўйича таркибини таҳлил қилиш, ҳудуддаги эпидемиологик вазиятни башорат қилиш имкониятини беради.

Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикасида сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятни баҳолаш учун сил касаллигига чалинган беморларни ёши бўйича таркибини таҳлил қилиш, катта ёшдаги беморлар ўртасида касалликнинг тарқалиш динамикасини, даволаш жараёнини самарадорлигини ва таҳлил натижаларига асосланиб ҳудуддаги эпидемиологик вазият баҳоланди.

Тақдирот материаллари ва усуллари: Тақдирот материаллари сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий DOTS марказининг 1998-2012 йиллар давомидаги сил касаллиги ҳолатларини қайд қилиш бўйича электрон маълумотлар базаси ва 2003-2012 йиллар давомидаги сил касаллигининг дори воситаларига чидамли турларини қайд қилиш бўйича Epi info 2003 электрон маълумотлар базаси танлаб олинди. Олинган маълумотлар статистик усуллар ёрдамида ретроспектив таҳлил қилинди.

Изланиш натижалари: Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий DOTS марказининг маълумотлар базасида 1998-2012 йиллар давомида жами 38089 нафар бемор қайд қилинган. Уларнинг 51,4% - эркаклар, 6,8% - 14 ёшгача бўлган болалар, 5,2 % - ўсмирлар, 63,8 % - 18-44 ёшдагилар, 6 % - 45-64 ёшдаги ва 6 % - 65 дан катта ёшдагилар. Ўрганилган давр ичида Қорақалпоғистон Республикаси

аҳолисининг жинс бўйича таркиби ўзгармаган ҳолда, ёш таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берган. 2002-2012 йиллар давомида 14 ёшгача бўлган болалар улуши 34 % дан 30.2 % гача ва ўсмирлар улуши 8.05 % дан 6 % гача камайган, 18-44 ёшдагилар улуши 43.5 дан 46.3 % га, 45-64 ёшдагилар улуши эса 10.7 % дан 14.6 % ошгани ҳолда, 65 ва ундан катта ёшдагилар улуши 3,5 % дан 3,3%га камайган.

Худуддаги аҳолининг сил касаллиги билан ёшга доир бирламчи касалланиш кўрсаткичлари 2002-2012 йиллар оралиғи уч даврга бўлиб ўрганилди: биринчи давр касалланиш интенсив кўрсаткичлари ўсиш тенденциясига эга бўлган 2001-2003 йиллар, иккинчи давр сил касаллиги билан касалланиш барқарорлашган 2005-2007 йиллар ва учинчи давр бирламчи касалланиш барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлган 2011-2012 йиллар.

Биринчи даврда сил касаллигига чалинган беморлар ёш таркибида 14 ёшгача бўлган болалар 7% ни, ўсмирлар 5,6 % ни, 18-44 ёшдагилар 67 % ни, 45-64 ёшдагилар 16% ни ва 65 ёшдан катта ёшдагилар 3,7 % ни ташкил қилган бўлса, эпидемиологик вазият барқарорлашган ва камайиш тенденциясига эга бўлган иккинчи ва учинчи давр давомида мос равишда 14 ёшгача бўлган болалар 9,3 ва 7,9% ни, ўсмирлар 5,1 ва 4,0% ни, 18-44 ёшдагилар 62,8 ва 61,7% ни, 45-64 ёшдагилар 15,2 ва 17,2% ни ва 65 ёшдан катта ёшдагилар 7,4 ва 9% ни ташкил қилган.

Таҳлиллар сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазият билан сил касаллигига чалинган беморлар ёш структураси ўртасида бевосита боғлиқлик борлигини кўрсатмоқда. Бу боғлиқликни чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида сил касаллиги билан бирламчи касалланишнинг ёшга доир кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар 14 ёшгача болалар ўртасида сил касаллиги билан бирламчи касалланиш кўрсаткичи кейинги 10 йил давомида 2 баробар камайганини кўрсатди (2002 й. 52.2 дан

2012 й. 26,0 га). Ўсмирлар ўртасида сил касаллиги билан касалланиш кўрсаткичлари ҳам худди шундай тенденцияга эга бўлган. Шуни таъкидлаш лозимки, барча худудларда бўлгани каби аҳолининг 18-44 ёшдагилар ўртасида сил касаллиги билан бирламчи касалланиш кўрсаткичи энг юқори (356.8) бўлиб, 2002 йилдаги Қорақалпоғистон Республикаси ўртача кўрсаткичидан 183 қарийб 2 баробар юқори бўлган. Кейинги 10 йил давомида ушбу ёшдаги ва 45-64 ёшдагилар беморлар ўртасида сил касаллиги билан бирламчи касалланиш кўрсаткичлари 2.6 маротаба камайган бир пайтда, 65 ва ундан катта ёшдагилар ўртасида сил касаллиги билан бирламчи касалланиш кўрсаткичлари деярли ўзгаришсиз қолган (2002 й. 288 дан, 2012 й. 256 га).

Катта ёшдагилар ўртасида сил касаллиги билан касалланиш ҳолатларининг юқори бўлиб қолиши сабабларини аниқлаш мақсадида, шу ёшдаги беморлар ўртасида сил касаллигининг дори воситаларига чидамли турлари тарқалганлиги ўрганилди.

2003 йилнинг октябрь ойидан Нукус шаҳри ва Чимбой туманларида сил касаллигининг дори воситаларига чидамли турларини аниқлаш ва пилот “DOTS плус” дастури доирасида уларни даволаш бошланган эди. 2010 йилдан ушбу дастур билан Тахтақўпир ва Қораўзак туманлари, 2011 ва 2012 йиллар давомида Кегайли, Нукус, Хўжайли туманлари ва Тахиатош шаҳри камраб олиниб, 9 йил давомида 2865 нафар сил касаллигининг дори воситаларига чидамли турларига чалинган беморлар рўйхатга олинган. Уларнинг 186 нафарини 65 дан катта ёшдаги беморлар (6.5%) ташкил қилган. Жами аҳоли сонига сил касаллигининг дори воситаларига чидамли турлари билан кумулятив касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳоли сонига ҳисоблаганда 364 га тенг бўлса, 65 дан катта ёшдагилар ўртасида бу кўрсаткич 675.8 га тенг

бўлиб, аҳоли ўртача кўрсаткичларидан 1.8 баробар юқори.

Республиканинг 8 та туманидаги 65 дан катта ёшдаги сил касаллигининг дори воситаларига чидамли сил шакллари аниқланган 186 беморнинг 119 нафари 2013 йилнинг феврал ойи ҳолатига даволанишни яқунлаган ва 67 нафари даволанишни давом эттирмоқда. Даволанишни яқунлаган 119 беморнинг 41% (49 нафари) даволанишни самарали яқунлаган, 11.8% (14 нафари) да ўлим ҳолати қайд қилинган, 9.2% (11 нафари)да даволаниш салбий натижа билан яқунланган ва 36.1%да (43 нафари) даволаниш режимини бузганлиги сабабли даволаш тўхтатилган. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами аниқланган сил касаллигининг дори воситаларига чидамли турларига чалинган беморларнинг даволанишни самарали яқунлаганлар 62.8 % ни, ўлим ҳолатлари 8% ни, даволанишни салбий натижа билан яқунлаганлар 10.2 % ни ва даволаниш режимини бузганлиги сабабли даволаш тўхтатилганлар 20 % ни ташкил қилган. Ушбу натижаларни 65 дан катта ёшдаги беморларни даволаш натижаларига нисбатан 1,5 ҳисса юқори бўлиб, катта ёшдаги беморларда сил касаллигининг дори воситаларига чидамли турларини даволаш натижалари самарадорлиги паст эканлигини кўрсатди.

Муҳокама: Сил касаллиги бўйича эпидемиологик жараённинг ўзгариш тенденциясини ҳудуддаги сил касаллиги билан касалланган беморлар ёш таркиби ва ҳар хил ёшдаги аҳоли ўртасидаги касалланиш даражасига қараб баҳолаш мумкин. Одатда сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазият мураккаблашганда бу касаллик билан касалланишнинг энг юқори кўрсаткичлари ёшлар ўртасида қайд қилинади. Эпидемиологик вазият барқарорлашган ва пасайиш тенденциясига эга бўлган ҳолларда эса касалланиш асосан катта ёшдаги аҳоли ўртасида қайд қилинади.

Қорақалпоғистонда 1998 йилдан Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти

томонидан тавсия қилинган DOTS стратегияси амалиётга жорий қилиниши ва 2003 йилга келиб ҳудуддаги барча туман ва шаҳарларда яшовчи сил касаллигига чалинган беморлар ушбу дастур асосида даволаш билан қамраб олиниши, шунингдек Давлат миқёсида сил касаллигини эрта аниқлаш ва самарали даволашга қаратилган мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши натижасида кейинги 10 йил давомида эпидемиологик вазиятни барқарорлаштиришга эришилди. Натижада аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий фаол бўлган ва сил касаллиги энг юқори бўлган 18-64 ёшдагилар ўртасида беморларни фаол аниқлаш, эпидемиологик жихатдан хавфли бўлган бациляр беморларни самарали даволаниши натижасида аҳоли популяцияси орасида касаллик манбаининг камайиши ҳисобига 14 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларда сил касаллиги билан касалланиш ҳолатлари кескин камайган. Шу билан бирга касалланиш камайиш тенденциясига эга бўлган бир даврда катта ёшдаги аҳоли ўртасида касалланиш даражаси юқорилигича қолмоқда. Бу ҳолат ушбу ёшдаги аҳоли ўртасида сил касаллигини эрта аниқлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Катта ёшдаги беморларнинг ўз саломатлигига эътиборсизлиги, уларда касалликнинг атипик кечиши, аксарият ҳолларда қари ёшдаги беморлар сил касаллигининг белгиларини ёшга доир муаммо деб ҳисоблаб, тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилиши ушбу беморларни узоқ муддат давомида жамиятда сил касаллигининг манбаи бўлиб қолишига сабаб бўлиб қолмоқда. Оилаларда аксарият ҳолларда уч авлод вакиллариининг биргаликда яшashi, катта ёшдаги сил касаллигига чалинган ва ўз вақтида аниқланиб даволанмаган беморлар оиладаги болалар ва ўсмирлар учун касаллик манбаи бўлиб қолишига шароит яратади.

Сил касаллиги билан касалланиш даражаси юқори бўлган Россия, Қозоғистон ва бошқа МДХ давлатларида

сил касаллиги билан бирламчи касалланишнинг энг катта улуши 18-44 ёшга тўғри келса, касалланиш даражаси паст бўлган Фарбий Европа мамлакатларида (Дания, Нидерландия ва бошқалар) касалланишнинг энг катта улуши 65 ва ундан катта ёшдагилар ўртасида кайд қилинган [1]. Нидерландияда 1993-1998 йилларда сил касаллиги билан касалланиш ҳолати бўйича ўтказилган таҳлиллар инфекциянинг юқиши камайиб бориши билан параллел равишда бу касалликка чалинган беморлар ўртача ёшининг ортиб боришини кўрсатган.

Хулоса:

1. Худуд аҳолиси ўртасида кейинги 10 йил давомида сил касаллиги билан бирламчи касалланиш 55% га камайганда, 65 ва ундан катта ёшдагилар ўртасида бу касаллик динамикаси ўзгаришсиз қолмоқда.

2. Катта ёшдаги аҳоли ўртасида сил касаллиги билан касалланиш даражасининг юқорилиги, худудда яқин келажақда эпидемиологик вазият мураккаб бўлиб қолишидан дарак беради.

3. Сил касаллигининг дори воситаларига чидамли турларига чалинган катта ёшдаги беморларни даволаш самарадорлиги жами аҳоли популяцияси кўрсаткичларидан 1.5 баробар паст.

4. Эпидемиологик вазиятни тўлиқ назорат қилиш учун катта ёшдаги фуқаролар ўртасида сил касаллигини эрта аниқлаш ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Адабиётлар:

1. Богородская Е.М., Стерликов С.А., Попов С.А. Проблемы формирования эпидемиологических показателей по туберкулезу. / Журнал туберкулез и болезни легких № 7, 2008, стр. 8-14

2. Пунга В.В., Русакова Л.И., Пузанов В.А., Якимова М.А., Путова Э.В., Капков Л.П. / Распространенность туберкулеза с лекарственной устойчивостью. Журнал туберкулез и болезни легких №10, 2011, стр. 6-15.

БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИДА ДИЕТОЛОГИЯ - ТЎҒРИ ОВҚАТ- ЛАНИШНИНГ АСОСИДИР

Атажанов У.Ж. Каримов Р.О. -
ТТА Урганч филиали

Барча касалликларни келиб чиқишига ва содир бўладиган турли нохуш жараёнларга тўғри овқатланмаслик сабаб бўлади. Диетотерапияни амалга оширишда овқатнинг кимёвий ва физик хоссалари, шунингдек ташқи кўринишнинг ҳам аҳамияти катта. Диетотерапиянинг асоси бўлмиш механик озор етказмаслик деганда осон хазм бўладиган, енгил сингадиган, меъда-ичак йўллари кам шикастлайдиган озиқ моддаларни истеъмол қилиш тушунилади. Диетотерапиянинг иккинчи негизи бўлмиш кимёвий озор етказмаслик деганда эса, таъсирлантирадиган (тузланган нарсалар, минераллар, зирavorлар, дудланган таомлар) ва яхши хазм бўлмайдиган маҳсулотлар(ёғли овқатлар)ни чеклаш тушунилади.

Механик ва кимёвий ҳимоянинг аҳамиятли тарафи шундан иборатки, касаллик туфайли заифлашган организмнинг овқатни хазм қилишини чеклашдан иборатдир. Овқат ҳарорати ҳақида гап кетганда, бемор овқатнинг оптимал ҳарорати тахминан 60 ° дан 10 ° гача бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтиш лозим. Овқатнинг кўримлилигини, ходим кийган уст-бошини тозаллиги, дармонсиз беморни ўринда ейиши учун қулай шароит яратиш буларнинг ҳаммаси беморларни овқатлантиришда катта аҳамиятга эга, чунки одатда уларда иштаҳа пасайган бўлади, турли чеклашлар эса парҳез овқат таъмини пасайтиради.

Кейинги вақтларда буйрак касалликларини даволашда бу касаллик сабаблари деб ҳисобланмаган модда алмашинувининг бузилиши (аминокислоталар, витаминлар, микроэлементлар етишмовчилиги), кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ядохимикатлар билан заҳарланиши

каби қатор муаммоларга эътибор қаратилмоқда.

Бироқ бу касалликга чалинган беморлар айрим аъзолари, тизимлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва бошқарувнинг бузилишига эса алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда буйрак ва ҳазм тизими, айниқса буйрак ва ошқозон ўртасидаги функционал боғланиш алоҳида ўрин тутади. Бу икки аъзо метоболитик ҳамда эндокрин аъзо бўлиб, асосий функциялари секрециядир. Иккинчидан бири метоболизмнинг бошида турса, иккинчиси охирида туриб, организм учун керак бўлган ва парчаланиб ниҳоясига етган моддаларни ташқарига чиқариб ташлайди.

Буйрак касаллигида, айниқса касалликнинг авжига чиққан вақтларда метоболитик ацидознинг кучайиши сабаблари шу вақтгача чуқур ўрганилмаган. Лекин болалар ҳамда катталар ошқозонида учрайдиган турли гастритлар, яралар, 12 бармоқли ичакда яллиғланиш жараёнлари касалликни яна ҳам оғирлаштиради ва ҳатто ёмон оқибатларга олиб келади.

Шундай экан, болалар буйрак касаллигида бўладиган жараёнларда диетология - тўғри овқатланишнинг асосий қоидаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШНИНГ ҲАЗМ ТИЗИМИ ВА БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИ

**Атажанов У.Ж., Маткаримов М.У.,
Дўсчанов Ш.Б. – ТТА Урганч филиали**

Овқат деганда табиий ёки махсус (аксари механик ва термик, кимёвий) ишлов берилган, ҳам соғлом, ҳам касал одам ейиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тушунилади. Овқатланиш тўғрисидаги ҳозирги замон фани нутрициология деб аталади. Бу фан соғлом ва касал одамлар ейдиган овқатланишни асосий озиқ-овқат моддалари манбаи сифатига қараб чиқади

ва овқат энергияси пластик қурилиш материаллари ҳамда антителолар каби фармакологик актив моддалар манбаи деган тушунчани ҳам ўрганади.

Озиқ-овқат моддалари ҳар қандай одамнинг бир кунлик овқатида жуда кам миқдорда бир неча грамм, баъзан микрограммларда бўлади. Уларга ҳаётий зарур моддалар витаминлар, минерал моддалар ва микроэлементлар киради. Шунингдек, овқат таркибида уни каттагина гуруҳини ташкил этувчи, бироқ на энергия ва на пластик мақсадларда фойдаланилмайдиган моддалар ҳам бўлиб, улар аксарият хушбўй хид ва таъм сезгиси берадиган манба ҳисобланади.

Ҳазм тизими аъзолари ўз фаолиятлари жиҳатидан метоболизм аъзолари ҳисобланадилар. Қондаги катта аҳамиятга молик кислота – ишқор муносабат бир хилда сақланиши соғлом овқатланиш билан муносиб эканлигидан дарак беради.

Кўпинча бу мутаносиблик буйрак касаллигида бузилади, ошқозон ичак трактида силжишлар, айниқса, ошқозонда функционал ўзгаришлар, қонда эса метоболитик ацидоз аломатлари пайдо бўлади. Ошқозон-ичак ва буйрак ўртасида функционал метоболитик боғлиқлик уларнинг секретор, экскретор, сўриш каби вазибаларидаги яқинликларидан келиб чиқади, генетик боғлиқлик чақалоқларда сутнинг ошқозон ичакда пиноцитоз йўли билан сўрилиб буйракда парчаланиши ва сунъий қон ўтиши шаклида намоён бўлади, иккинчи томондан бундай боғлиқлик асосида ошқозон буйракда H^+ ионларнинг ишланиши ва бу билан организмда ишқорий кислоталик тенгликнинг барқарор сақлашлик ётади.

Бу маълумотлардан келиб чиқадики, буйрак касаллиги ошқозон учун катта хавф туғдиради ва ошқозон патологик жараёнга жалб қилинганда касалликнинг янада ошиши оғир кечиши келиб чиқади. Бироқ бу касалликда ошқозонда кечадиган ўзгаришлар ўрганилмаган бўлсада албатта соғлом овқатланиш

тарзига алохида урғу берилган бўлиб бундай касалликларни даволаш мураккаб лекин ечилиши лозим бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

ОСОБЕННОСТИ ЛЕЧЕНИЯ ИСТИРАЕМОСТИ ЗУБОВ У ЛИЦ ПОЖИЛОГО ВОЗРАСТА

Атаханова Ш.Ш., Муминова Г.Г. –
ТашИУВ

Актуальность. Патологическая стираемость зубов – стоматологическое заболевание, для которого характерно аномальное интенсивное уменьшение твердых тканей зуба. Следует учитывать, что в жизни любого человека происходит естественное физиологическое стирание твердых тканей зуба. В возрасте от 50 лет и старше происходит истирание зубов в пределах границы эмали и дентина, а также частичное истирание дентина. Этиологическими факторами являются бруксизм, нарушение прикуса, неправильно установленные зубные протезы, флюороз и гипоплазия зубов. Истирание ранее этих лет носит название патологической стираемости. Различают 3 степени тяжести: 1 степень - истирание до 1/3 высоты коронки, 2 степень – от 1/3 до 2/3 высоты коронки, 3 степень – от 2/3 высоты коронки к десне.

Цель работы. Изучить эффективность проводимого лечения истираемости зубов у лиц пожилого возраста.

Материалы и методы. На кафедре “Стоматология-1” находились 42 человека с диагнозом стираемость зубов на фоне пародонтоза и гиперестезии от 60 до 69 лет. Из них мужчин было 34, а женщин 8. У всех больных количество зубов было в пределах от 12 до 22 и наблюдалась стираемость зубов различной степени тяжести. Мы разделили их на 3 группы. У 1-й группы (13 человек) выявлена 1 степень- истирание до 1/3 высоты коронки, у 2-й группы (19 человек) – 2 степень истираемости – от 1/3 до 2/3 высоты

Тайёрлаш усули: барча қисмларни қоида бўйича майдалаб, элакдан ўтказилади. 80 г бодом ёғи ва 1000г. кўпиги олинган асал кўшиб аралаштирилади. Сўнгра шиша идишга солиб, уч ойгача сақланади. Шундан сўнг истеъмол қилса бўлади. Қуввати то уч йилгача боқийдур.

Табиати: қуруқ иссиқ.

Хусусияти: бадандаги оғриқларни пасайтиради, мияни тозалайди, ошқозонни фаоллаштириб овқат ҳазмини яхшилайдди, хотира ва зеҳни тез қилади. Ичакларни ва сийдик пуфагини фаолиятини ҳам яхшилайдди. Эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, тери

орқали силаб сезиш каби сезгиларни кучайтиради. Қонни соф қилади, пайларни бақувват қилади, жинсий хоҳишни ва қувватини зиёда қилади. Бадандаги юнг-мўйларни соғломлаштиради ва тери рангни соф қилади. Меъдани иссиқ қилади. Умумий баданни қувватини ошириш хусусиятига эга.

Қўлланиши: вақтидан илгари қариб қолишни олдини олиш, ҳамма совуқдан бўлган касалликларни, *бавосил ал-ҳайни* (оғир бавосил – сурункали геморрой), хотира пастлигини, кўзнинг хиралигини, ошқозон, ичак, жигар, буйракларнинг сурункали касалликларини, умумий бадан ожизлигини даволашда ва сезги аъзоларининг фаолиятини ошириш учун ишлатилади.

Ишлатиш миқдори: ҳар куни икки маҳал 10 граммдан (икки чой қошиқдан) истеъмол қилинади. Касалликларни даволаш учун 2-3 ой, соғлиқни сақлаш, узоқ умр кўриш мақсадида йил бўйи истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, бу маъжуннинг таркибида 20 та ўсимлик ва 1 та ҳайвондан олинадиган жами 21 хил табиий маҳсулотлар бор. Мазкур таркибдаги 19 маҳсулот замонавий тиббиётда дори-дармонлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Қолган 2 та маҳсулот (новвот ва асал) лардан қадимдан озиқ-овқат саноатида фойдаланилади. Таркибий қисмларининг кўпларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан топиш мумкин. Рецепт оддий ва тушунарли тилда ёзилган бўлиб, Маҳмуд Ҳакимнинг тавсияси асосида бу дорини мутахассислар томонидан осон тайёрлаш имконини беради. Маҳмуд Ҳаким имтиҳон қилган бу дори инсонларга узоқ ва соғлом ҳамда сифатли ҳаёт кечириш имкониятларини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Али Ибн Сино “Ал-қонун фит-тиб”, V китоб. Тошкент: “ФАН”, 1980. –Б. 35.
2. Абу Али Ибн Сино “Ал-қонун фит-тиб”, II китоб. Тошкент: “ФАН”, 1956. №: 14, 84, 195, 178, 214, 275, 389, 513, 519, 572, 534, 618, 691, 697, 722, 747.
3. Абу Райхан Бируни «Китаб ас-сайдана фит-тиб». Ташкент: “ФАН”, 1973. №: 78, 91, 191,

227, 293, 396, 413, 504, 550, 564, 604, 625, 708, 789, 825, 948, 1097

4. Мухаммад Акбар Арзоний “Тибби Акбар”. Санжак ш., (ХХР). “Санжак халқ саҳийа”, 2005 йил. – Б. 549.

5. Маҳмуд Ҳаким Яйфоний-Хўқандий “Тариқ ул-илож” 2-жилд. Қўқон: “Шумакоф и К”. 1913. - Б. 253-254.

6. Али Ҳожи Курбонниёз Эмчи “Уйғур табобати пишиқ дорилар хазинаси”. Санжак ш., (ХХР). “Санжак халқ саҳийа нашриёти”, 2009 йил. – Б. 841-844

ЭКОЛОГИЯ ВА УМРБОҚИЙЛИК МУАММОЛАРИ

**Отабоев Ш.Т., Дўсчанов Б. – Тошкент
вилояти ўқитувчилар малакасини
ошириш институти, Ибн Сино
жамғармаси**

Экология табиат билан узвий боғлиқ бўлган фанлар қаторидаги ўзига хос илм жабҳаси бўлиб, тирик организмларнинг табиий муҳит билан яшаш шарт-шароитларини, организм билан табиий атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро боғланишларни ва ўзаро бир-бирларига таъсирини ҳамда муносабатларини чуқур, ҳар томонлама ўрганадиган фандир. Шуни айтиш зарурки, инсон бор экан, у табиат билан узвий боғланган ва ўзаро алоқадорликда. Табиат бу объектив борлиқ, яъни инсонларни ўраб турувчи, ўз бағрида, макон сифатида яшашга имкон берувчи она замин. Амалиётда табиий муҳит одамзод дунёсини моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи деб тушунилади. Аслини олганда ҳозирги кунда инсоният тараққиёти натижасида, у олди-орқасига қарамасдан табиий бойликлардан ўзини ўраб турувчи ҳаво, сув, ер ости бойликларидан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан ўта зўравонлик руҳида фойдаланмоқда. Инсон онгининг юқорилиги, унинг ижодий фаоллиги, такомиллашган меҳнат қуролларини ярата олиши ва у қуроллардан фойдаланиши бир томондан маънавий ҳамда руҳий ўз-ўзини англай олиши билан бошқа тирик организмлардан тубдан фарқланиб туради. Бу эса, ўз навбатида жонли табиат билан

жонсиз табиат ўртасида ўтиб бўлмайдиган тўсиқ йўқлигини билдиради.

Инсониятнинг ривожланишида шунингдек саноатнинг турли йуналишда тараққий этиши, шу билан бирга катта ва кичик шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг аҳолиси ниҳоятда шиддат билан кўпайиши ўртасидаги алоқадорликнинг тараққиётида янги турдаги қонуний ўзаро муносабатларга олиб келади. Ҳозирда инсоннинг қўли етмаган табиий муҳит қолмади, у ҳатто космосни, ер ва океан қарини ўрганишга йўл очди ҳамда улардан шиддат билан фойдаланишга киришди ва унга шарт-шароитлар яратди.

Табиат кенг маънода бутун моддий энергетик ва ҳозирги вақтда ахборотлар дунёси бўлиб, у инсониятнинг хўжалик фаолияти натижасида барча турлар билан чамбарчас боғланган. Бу боғланиш табиий ресурслар орқали вужудга келади, чунки табиий ресурслар инсониятнинг яшаш учун зарур бўлган барча элементлар манбаидир. Инсоният бу ресурслардан фойдаланиш учун ишлаб чиқариш корхоналарини яратди. Ишлаб чиқариш корхоналари оғир саноат бўладими, енгил саноат корхоналари бўладими улар минг-минглаб тонна ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган суюқ, қаттиқ заҳарли чиқиндиларни атроф-муҳитга ташлайди. Заҳарли газлар, чанглар, тутунлар ҳавога чиқарилмоқда. Ифлосланган, тозаланиши керак бўлган сувлар чала ёки тозаланмай сув ҳавзаларига ташланганда, қаттиқ чиқиндилар эса айниқса инсон ҳаётида пайдо бўладиган маиший чиқиндилар ҳам оқар сувларга, тупроқ устига зарарсиз ҳолатга келтирилмай ташланмоқда. Атроф-муҳитни кимёвий, биологик физик омиллар билан булғаниши ўша муҳитда яшаётган инсонларни турли хил касалликларга (саратон, астмоидли бронхит, сурункали бронхитлар, дерматитлар, юрак-кон томир системаларини, асаб тизимини, сийдик чиқариш йўллари) мубтало қилмоқда.

Шунинг учун соғлиқ ва умрбоқийлик йўлидаги ҳаракатда саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашни ҳар бир кишининг ўзи яхши билиши ва уларни кундалик турмушда қўллаши зарур. Буни англаш ва

тушуниш ҳозирги кунда ниҳоятда муҳим муаммо. Томос Мор “доно одам дардига малҳам қидириб юргандан кўра касалликларни ўзига йўлатмайди” деб ҳақ гапни айтган.

Аммо ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг қонуниятлари ҳамма вақт ҳам одам танасига, унинг руҳиятига, саломатлигига тўғри келвермаслиги мумкин. Бундай вақтларда инсон фақатгина табиатга ва жамиятга мослашиши, қулайсизликларга қарши курашиш, ҳаётдан ўрганиши, тажриба орттириши ва уни такомиллаштириш йўли билан ўз ҳаётини, саломатлигини сақлаб қолишга эришади.

Одамзод доимо яхши овқатланиш киши ҳаётидаги уни ривожланишидаги асосий омил деб тушунади. Аммо, у қандай, қайси миқдорда, қайси таркиб, қайси биологик кўрсаткичлар билан организмга кирганда фойдали бўлади? Ёки қандай ҳолатда бўлганида организмга зарар беради деган тушунчани ҳамма билавермайди, ёки меҳнатни оғир енгиллиги меҳнат шароитида ва ҳаётда экологик муаммоларни организмдаги биологик ритмларга мос келиши ёки келмаслиги ва бошқалар организмни соғлом бўлишида узоқ умр кўришда ўта катта аҳамият касб этади.

Инсон организми ўта мураккаб тизми, у ҳар қандай таъсирларни енгиб ўтиб, ноқулай шароитга мослашиб ҳаётни давомийлигини таъминлайди. Инсонни барча ҳаракатлари заминда рефлекс деб аталувчи жараён ётади. Шу рефлекслар жараёни ёрдамида инсон тез ўзгариб турувчи атроф-муҳитнинг экологик ноқулай ҳолати таъсирига ҳар хил реффлектор реакциялар билан мослашиб нормал ҳаёт кечиради. Масалан, тана териси, шиллиқ қаватлар, лимфа безлари ва бошқалар турли механик, иссиқлик, совуқлик кимёвий жароҳатлардан организмга турли инфекцияларни тушишидан асрайди.

И.П.Павловнинг илмий изланишлари шуни тасдиқлайдики, организмнинг касал чақирувчи таъсирларга қарши курашиши, ўзига хос мураккаб компенсатор ҳимоя реакцияларининг юзага чиқаришида

инсонни руҳий тетиклиги, юқори олий марказий нерв системасининг нормал ишлаши организм фаолиятини бошқаришда энг муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб овқатланиш, меҳнат қилиш, иқлим, экологик таъсир этувчи кимёвий, физик ва биологик омиллар ҳаммаси ўлчовли бўлсагина инсон организми касалликлардан узоқ бўлади ва умри кўпроқга чўзилади, бошқача айтсак умрбоқийлик таъминланади.

ВЛИЯНИЕ ПЕРСИСТЕНЦИИ HELICOBACTER PYLORI НА АКТИВНОСТЬ СИСТЕМЫ ПЕРЕКИСНОГО ОКИСЛЕНИЯ ЛИПИДОВ – АНТИОКСИДАНТНОЙ ЗАЩИТЫ И СТЕПЕНЬ ЭНДОТО- КСЕМИИ У ЛИЦ ПОЖИЛОГО И СТАРЧЕСКОГО ВОЗРАСТА С ГАСТРОДУОДЕНАЛЬНОЙ ЯЗВОЙ

**Рузиев У.С., Мавлянов А.Р.,
Мавлянов Ж.А. – ТМА**

Цель работы: изучение взаимосвязи метаболических показателей с хеликобактериозом. Язвенная болезнь желудка и двенадцатиперстной кишки по-прежнему остается одним из распространенных гастроэнтерологических заболеваний. Несомненную роль в патогенезе гастродуоденальной язвы играют микроорганизмы *Helicobacter pylori*. Говоря о язвенной болезни как о состоянии дисбаланса между воздействием агрессивных факторов и защитных механизмов, обеспечивающих целостность слизистой оболочки гастродуоденальной зоны, можно отметить, что патогенетическое действие *Helicobacter pylori* распространяется как на факторы "защиты" – ослабляя их, так и на "агрессии" – придавая им более жестокую окраску. Изучение роли и места *Helicobacter pylori* в этиологии патологии желудка и двенадцатиперстной кишки является актуальной задачей, и многие спорные вопросы ждут

своего решения. Так, в литературе до настоящего времени не получила достаточного отражения проблема возможного участия *Helicobacter pylori* в механизмах развития осложнений язвенной болезни и различных патологических процессов у больных, перенесших оперативное вмешательство по поводу осложненной гастродуоденальной язвы. Однако, обнаружение их на неповрежденной слизистой оболочке у 5–11% здоровых лиц указывает на то, что присутствие *Helicobacter pylori* недостаточно, чтобы возникло заболевание и необходимо их сочетание с определенными генетическими, иммунными и биохимическими факторами.

Материал и методы. Нами изучены взаимосвязи метаболических показателей с хеликобактериозом у 34 практически здоровых лиц, у 30 – с неосложненными и у 35 – с различными осложнениями (кровотечение, перфорация, стеноз) гастродуоденальной язвы, у 32 больных в отдаленном послеоперационном периоде.

Результаты. Установлено, что у больных с осложненной гастродуоденальной язвой уровень ацилгидроперекиси увеличивается в 2 раза по сравнению с группой здоровых лиц ($p < 0,01$). Неосложненная язвенная болезнь сопровождалась 1,7 кратным увеличением ацилгидроперекиси ($p < 0,01$). При этом у Хеликобактер-положительных больных он дважды превысил показатели группы контроля ($p < 0,001$) и достоверно отличался от аналогичного показателя Хеликобактер-негативных больных ($1,42 \pm 0,16$ и $0,97 \pm 0,08$ отн.ед/мл, ($p < 0,01$)).

Особый интерес представляют данные уровня малонового диальдегида в эритроцитах и плазме крови. Так, максимальное повышение уровня малонового диальдегида в эритроцитах отмечены в группе больных с неосложненной язвенной болезнью, ассоциированной с хеликобактериозом ($0,399 \pm 0,02$ нмоль/мг белка), что превышает нормативные показатели в 4,6 раза ($p < 0,001$). В среднем, в группе

больных с осложненной гастродуоденальной язвой отмечено увеличение малонового диальдегида в эритроцитах в 4,5 раза ($p < 0,001$). При этом, плазменный малоновый диальдегид в данной группе больных возрос в 2,4 раза ($p < 0,001$). Максимальные показатели плазменного малонового диальдегида зафиксированы у Хеликобактер-положительных больных гастродуоденальной язвы, осложненной кровотечением и перфорацией ($10,31 \pm 0,70$ нмоль/мл). Необходимо подчеркнуть, что уровни малонового диальдегида в эритроцитах и плазме в исследуемых группах Хеликобактер-положительных больных достоверно отличались от аналогичных показателей у больных с отсутствием персистенции *Helicobacter pylori* ($p < 0,01$).

Таким образом, у больных язвенной болезнью, в большей степени Хеликобактер – положительных, отмечается избыточная продукция процессов перекисного окисления липидов, одного из ключевых механизмов развития структурно-функциональных нарушений в клеточных биомембранах.

Во всех исследуемых группах отмечено снижение активности супероксиддисмутазы, в большей степени у Хеликобактер-положительных больных. Так, в группе больных с осложненной гастродуоденальной язвой активность супероксиддисмутазы составляет $35,79 \pm 2,91$, что на 60,1% ниже по сравнению с группой контроля ($p < 0,001$). Интересно отметить, что в группе с неосложненной язвенной болезнью разница между уровнем супероксиддисмутазы хеликобактер-положительных и негативных больных составляет 33,4%, что свидетельствует о возможном влиянии *Helicobacter pylori* на угнетение активности супероксиддисмутазы ($p < 0,01$). Уровень каталазы, напротив, компенсаторно увеличился и был более выраженным в группе Хеликобактер-положительных больных. Компенсация антиоксидантной каталазы у больных с персистенцией *Helicobacter pylori* была достоверно ниже ($p < 0,01$).

Показатели эндогенной интоксикации достоверно возросли в группе больных с осложненной гастродуоденальной язвой ($p < 0,01$). Так, среднемoleкулярные пептиды в данной группе больных составил $0,305 \pm 0,017$ у.е. и $0,350 \pm 0,023$ у.е. соответственно у Хеликобактер-негативных и позитивных больных язвенной болезнью, в то время как в группе контроля этот показатель был равен $0,245 \pm 0,026$ у.е.

По данным авторов, перекисное окисление липидов биологических мембран приводит как к структурной альтерации, так и изменениям мембранных функций, включая транспортные процессы, поддержание ионного и метаболического градиента, трансдукции рецепторно-обусловленного сигнала. Скевенджерами супероксидазы, как известно, являются антиоксиданты, включая супероксиддисмутазы, однако, при персистенции *Helicobacter pylori* установлено угнетение активности супероксиддисмутазы на 53,0%.

Таким образом, полученные нами данные говорят о дисбалансе систем перекисного окисления липидов, антиокислительной защиты и эндогенной интоксикации у больных язвенной болезнью с персистенцией *Helicobacter pylori*. Установлено, что у больных язвенной болезнью с персистенцией *Helicobacter pylori* наблюдается значительное и длительное усиление процессов перекисного окисления липидов на фоне снижения активности естественной антиокислительной системы, свидетельством чего является угнетение активности супероксиддисмутазы и незначительное компенсаторное увеличение каталазы. При этом возникает синдром гипероксидации, что диктует необходимость проведения коррекции, нарушений процессов перекисного окисления липидов, антиокислительной защиты и эндогенной интоксикации не только при консервативном лечении неосложненной язвенной болезни, а также в предоперационной подготовке, ближайшем и отдаленном послеопе-

рационном периоде у больных с осложненной гастродуоденальной язвой с учетом обсемененности *Helicobacter pylori*.

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ
САЛОМАТЛИГИНИ ВА
ФАРОВОНЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Рўзметов Б., проф. УрДУ,
Дўсчанов Б., проф., Ибн Сино
жамғармаси Хоразм вилояти бўлими**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш бўйича “Ўзбек модели” бугун дунёнинг тараққиёт сари интилаётган аксарият давлатлари учун андоза бўлиб хизмат қилмоқда. Давлат бюджетининг қарийиб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида яратилган соғлиқни сақлашнинг ноёб миллий модели юксак самара бераётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Президентимизнинг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши туфайли тиббиёт, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш борасида самарали тизимни вужудга келтириди. Белгиланган чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамни кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи Республика ихтисослаш-

тирилган ҳамда шошилиш тиббий марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг мукамал ташкилий тузилмаси шаклланди.

Натижада, мустақиллик йилларида юртимизда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшгача ошди, оналар ўлими 3,1 баравардан зиёд, болалар ўлими эса 3,2 баробар камайди.

Юртбошимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун ўтган йили Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига айлантирилди. Бу фақат ўтган йил давомида Жамғарма маблағлари ҳисобидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш, 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналарни ва бир сменада 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника объектларини фойдаланишга топшириш имконини берди. Тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Жамғарма томонидан 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Юртимизда эл соғлигини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, мамлакатимизда жисмонан соғлом авлодни вояга етказишнинг самарали тизими яратилган.

Тиббий-илмий марказлар ва етакчи тиббиёт масканларида фаолият юритаётган олимлар ва малакали мутахассисларнинг жойларга чиқиб

соғломлаштириш ҳафталикларида фаол иштирок этиши аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бундай тадбирлар давомида қишлоқ врачлик пунктларида ўн минглаб аҳоли, фертиль ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилган.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида жорий йилда Давлат бюджетидан 3,4 триллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, Обод турмуш йилида Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш мақсадларига қарийб 312 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Президент И.Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрда “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши тиббиёт соҳасида янада жиддий янгиланишлар сари ташланган муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжатда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаб ва андозаларга мувофиқ, аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шакл ҳамда услубларини жорий этиш билан боғлиқ қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Мазкур ҳужжат тиббиёт соҳасида ўтказилаётган ислохотлар йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш устувор вазифа сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган экан,

бу борадаги саъй-ҳаракатлар аҳоли саломатлигини янада юксалтиришга, одамлар умрини узайтиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юртимизда қадим-қадимдан узоқ умр кўриш сиру-асрорлари буюк боболаримиз Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Фаридиддин Аттор, Абулғози Баҳодирхон ва бошқа алломаларимиз асарларида баён этилган, ҳозирги кунда улар ўрганилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Инсон умрини узайтириш борасидаги уларнинг илмий меросини ўрганиш, дунё ҳамжамиятида қўлланилиб келинаётган ижобий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги илмий хулоса ва амалий таклифларни амалга ошириш жуда муҳим:

1. Мамлакатда соғлом турмуш тарзини тарғибот ва ташвиқот қилувчи мукамал тизимни вужудга келтириш;

2. “60 дан кейин”, “100 ёшлилар”, “Умри азизлар” каби жамоатчилик клублари ташкил этиш ва оммалаштириш;

3. Оммавий ахборот воситаларида “Қаримаслик сирлари”, “Умрни узаштириш омиллари” рукнлари ташкил этиш;

4. Телевидение, газета ва журналларда узоқ умр кўрганлар тўғрисида очерклар, маълумотлар бериш, уларни ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш;

5. Тиббиёт соҳасидаги олий ўқув юртларида геронтология йўналишида бакалаврият, магистратура мутахассисликларини очиш;

6. Геронтология йўналишида дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий оммабоп асарлар яратиш;

7. Соғлиқни сақлаш муассасаларида геронтология кабинетлари ташкил этиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

Бу таклифларни амалга ошириш Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини янада мустаҳкамлаш, узоқ умр кўраётган аҳоли қатламини янада кўпайтириш, мамлакатимизни дунё ҳамжамиятидаги

ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

КЕКСА ЁШДА ВАЗОМОТОР БУЗИЛИШЛАР БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ҲОЛАТЛАРНИ КОМПЛЕКС ФИЗИОГЕН ДАВОЛАШ

**Саидов С., Джаббаров Н., Акбаров Д. –
ТошФИ**

Маълумотларга кўра, қатор гериаτρик касалликларнинг томир тонусини пасайиши типидagi вазомотор бузилишлари билан асоратланганлиги даволаш тизимидаги ушбу соҳа мутахассисларини фикрича, долзарб муаммо даражасида эканини гувоҳи бўляпмиз. Иккиламчи патологик белгиларнинг ривожланиши томир дисфункцияси билан боғлиқ метаболик, биокимёвий, микроциркулятор ўзгаришлар “томир тонусини бузилиши” нозологик атамаси билан номланиб, қарилликка хос бўлган нохуш белгиларни намоён қилади. Асорат кўринишида эса барча орган ва тўқималарга қон келишини камайишига асосланган гипоксия белгиларини беради. Бу эса ўз навбатида орган ва тўқималарни фаолиятини бузилиши билан боғлиқ иккиламчи асоратларни намоён қилишда этиопатогенетик асос бўлади. Кўриб турганимиздек, тўқима микёсидаги томир тонусини бузилишининг ўзи бир қанча патогенетик механизмга асосланган. Бир томондан, томир ўтказувчанлигини сусайиши, дзетта потенциални ўзгариши ёки силлиқ мушак дистрофияси бўлса, бошқа томондан, қон оқимининг секинлашуви, қоннинг суюқ фракциясининг камайиши ёхуд осмотик, онкотик босимларнинг ўзгариши каби бузилишларни бир ёки бир нечтаси комбинациясини кузатиш мумкин.

Замонавий геронтологиядаги яна бир долзарб муаммолардан – қатор касалликларнинг фармакотерапиясидаги дори воситаларини рационал қўллаш тамойилларига қатъий риоя қилишдир. Сурункали касалликларни даволашдаги

узоқ муддат ишлатиладиган синтетик таркибли препаратлар ўзига хос ножўя таъсири туфайли мутахассислар томонидан эҳтиёт чоралари кўрилганлиги ҳолатида тавсия этилади. Бошқа томондан, юқорида таъкидлаганимиздек, томир тонусининг бузилиши бир қанча патогенетик омилларнинг комбинациясида келади ва даволашда бир эмас бир нечта синтетик препаратларни узоқ муддатга қўллаш учун тавсия беришга тўғри келади. Узоқ муддат даволаш мобайнида беморларда дори препаратларига нисбатан ножўя таъсирларни ва иккиламчи асоратларни келтириб чиқариши ҳолатлари ҳам амалиётда кўп учраяпти.

Ишдан мақсад: Томир тонусини бузилиши билан боғлиқ касалликларни фармакотерапевтик даволаш комплексида физиоген, яъни табиий омилларнинг қўлланилиш самарадорлигининг патогенетик изоҳи ва ушбу патологик ҳолатда 10 кунлик комплекс физиоген омилларни қўллаш тавсияси.

Физиоген омиллар ёрдамидаги комплекс даволашда фитотерапевтик, физиотерапевтик муолажаларни даволаш комплексига қўшиб қўлланилиш тавсия этилган. Бунда томир тонусининг бузилишида патогенетик асос бўлиб ҳисобланган бузилишларни бартараф этишга қаратилган даволовчи физиоген омилларни комплекс муолажаларга киритиш мақсадга мувофиқдир. Зарарланган томир соҳасидаги “Сета-Д” русумидаги импульсли магнитотерапиянинг қўлланилиши томир ўтказувчанлик потенциални рағбатлантирилиши ҳисобига органни қон билан таъминланишини яхшиланишини, кичик частотали “Радиус” русумидаги аппаратда тегишли аъзо соҳасида электротерапияни қўлланилиши электрик потенциални ўзгартириши ҳисобига томир ўтказувчанлигини таъминловчи электролитлар транспортини мўътадиллаштириши, кичик частотали “Ретон” русумидаги ультратовуш терапевтик муолажаларни комплексида ўтказилиши эса артериолаларни қон олиб келишини рағбатлантиради. Маҳаллий

қон айланишини яхшиловчи дори воситаларини комплекс ҳолатда юқорида қайд этилган физиотерапевтик муолажалар билан ўтказилиши эса синтетик дори препаратини дозасини минималлашувига ва таъсир самарасини кучайишига сабаб бўлади.

Фитокомпонентларни комплекс муолажаларга киритилиши даволашни ижобий самарасига таъсир этади. Мазкур патологик ҳолатни даволаш комплексига спазмолитик, антиагрегант таъсирга эга, витамин ва микроэлементларлар тутувчи ва бошқа таъсирга эга бўлган фитотаркибли компонентларни энтерал ва парентерал қўллаш билан даволаш самарадорлигини ошириш тавсия этилади. Парентерал қўллашда фитотўпламларни маҳаллий таъсир этиш билан физиотерапевтик муолажалар фонида олиб борилиши самарали ҳисобланади.

Ушбу билан, томир тонусини бузилишлари билан кечувчи ҳолатларни патогенетик механизмга кўра комплекс даволашда тавсия этилган 10 кунлик физио- ва фитотерапевтик муолажаларнинг комбинациясини жадвалда келтирамиз. Ушбу даволаш услуги “Bioritm” тиббий марказида комплекс даволаш амалиётига татбиқ этиш учун режалаштирилмоқда (Жадвал).

Шундай қилиб, тавсия этилаётган даво комплекси бир томондан ёшга боғлиқ вазомотор бузилишлар билан кечадиган патогенетик омилларни бартараф этишга қаратилган бўлса, бошқа томондан, ножўя таъсирлардан деярли ҳоли. Физиоген омиллар ёрдамидаги мазкур комплекс даво тадбири синтетик таркибли дори препаратини дозаси ва ножўя таъсирини минималлашишига, фармакотерапевтик таъсир самарадорлигини ошишига ҳам сабаб бўлади.

Жадвал

Даволаш кунлари	Физиотерапевтик муолажа	Маҳаллий физио+фитотерапевтик муолажа	Кўшимча энтерал фитотерапевтик муолажа
1-кун	Шикастланган томир соҳаси “Радиус” дорили электрофорези	Зайтун+ментол+узум данаги таркибли фитомой комплекси билан уқалаш	«Rano»-томир тонусини рағбатлантирувчи фитокомплекс
2-кун	Шикастланган томир соҳаси “Ретон” ультратовушли терапияси	«Rano» вазомотор тонусга таъсир фитокомплексида оёқ-қўл фитованнаси	«Rano»-томир тонусини рағбатлантирувчи фитокомплекс
3-кун	Шикастланган томир соҳаси “Сета-Д” магнитотерапияси	Денгиз компонентлари асосли лойли аппликациялар	«Rano»-томир тонусини рағбатлантирувчи фитокомплекс
4-кун	Дарсонвализация	«Rano» вазомотор тонусга таъсир фитокомплексида оёқ-қўл фитованнаси	«Rano»-томир тонусини рағбатлантирувчи фитокомплекс
5-кун	Шикастланган томир соҳасини “Теплон” иссиқтерапияси	Бош, оёқ, қўлда микроциркуляцияни мўътадилловчи даволовчи гимнастика	«Rano»-томир тонусини рағбатлантирувчи фитокомплекс
6-кун	Гидромассаж (циркуляр душ)	Зайтун+ментол+узум данаги таркибли фитомой комплекси билан уқалаш	«Rano»-томир тонусини рағбатлантирувчи фитокомплекс
7-кун	Шикастланган томир соҳаси “Радиус” дорили электрофорези	Бош, оёқ, қўлда микроциркуляцияни мўътадилловчи даволовчи гимнастика	«Rano»-томир тонусини рағбатлантирувчи фитокомплекс
8-кун	Шикастланган томир соҳаси “Ретон” ультратовушли терапияси	«Rano» вазомотор тонусга таъсир фитокомплексида оёқ-қўл фитованнаси	«Rano»-томир тонусини рағбатлантирувчи фитокомплекс
9-кун	Шикастланган томир соҳаси “Сета-Д” магнитотерапияси	Денгиз компонентлари асосли лойли аппликациялар	«Rano»-томир тонусини рағбатлантирувчи фитокомплекс
10-кун	Гидромассаж (циркуляр душ)	Зайтун+ментол+узум данаги таркибли фитомой комплекси билан уқалаш	«Rano»-томир тонусини рағбатлантирувчи фитокомплекс

ГЕРИАТРИЯДА ИШЛАТАДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Собиров Р., Жалилов Х., Дўсчанов Ш., Собиров Х. – Хоразм Маъмун академияси

Гериятрия соҳасида даво мақсадида қўлланиладиган ўсимликлар таркибида инсон организмдаги турли орган ва системалар фаолиятини кучайтирувчи адаптоген моддалар бўлиб, бу моддаларга тритерпин сапонинларга киради. Булар илмий тиббиётда гармонларга ўхшаб таъсир қилиши аниқланганлиги сабабли, ҳозирги кунда уларнинг шифо қисмлари ва дори препаратлари қўлланилади. Бу ўсимликларга қуйидагилар киради:

Ҳақиқий женьшень (женьшень настоящий) - *Panax ginseng* С.А.Меуі. Доривор восита сифатида илдизи ишлатилади. Илдизининг таркибида тритерпен сапонинлар мавжуд. Унинг илдизидан тиндирма ва кукун дори шаклларидаги препаратлар тайёрланади. Бу препаратлар тананинг умумий тонусини ошириб, тетиклантириш, руҳлантириш, аклий ва жисмоний жиҳатдан чарчашни йўқ қилишда ичишга берилади.

Маньжурия аралияси (Аралия маньжурская) - *Aralia Mangrupiya Rups et Maxim.* Илдизидан тайёрланган тиндирма, Сапарал таблеткаси женьшеньга ўхшаб таъсир кўрсатиши сабабли унинг ўрнида ишлатилади.

Хитой схизандраси (Лимонник китайский) - *Schizandra chinesis Baill.*

Илмий тиббиётда илдизидан тайёрланган тиндирма, уруғ ва мева кукуни ақлий ҳамда жисмоний жиҳатдан чарчаганда тана тонусини кўтарувчи дори сифатида тавсия қиланади.

Элеутрококк (Элеутрококк колючий)- *Eleutheracoccus senticosus Maxim.* Илдизидан тайёрланган препаратлар женьшень препаратларига ўхшаб таъсир қилиши аниқланган.

Эхинопанакс (Замониҳа высокая) - *Echinopanax elatum Nakel.* Илдизидан асосан тиндирмалар тайёрланиб, бу препаратлар ҳам женьшень препаратларига ўхшаш таъсир кўрсатади.

Биз юқорида санаб ўтган бешта ўсимлик Ўзбекистон флорасида ўсмайди ва ўстирилмайди. Аммо Хоразм воҳасида қадимдан халқ табобатида ишлатилиб келинган анъанавий доривор ўсимлик Қизилмия илдизи таркибини чуқур ўрганиш туфайли унинг илдизида юқори микдорда тритерпен сапонинлар борлигини ҳисобга олиб шифобахш профилактик ичимлик яратиш мақсад қилинди.

Қизилмия (Солодка голая) - *Gylcyrrhiza glabra L* шўр тупроқли чўлларда, ариқ ва дарё бўйларида бегона ўт сифатида ўсади.

Қизилмия илдизи таркибида асосий таъсир қилувчи биологик фаол модда глицирризин (уч асосли глицирризин кислотанинг калийли ва кальцийли тузи) гликозиди бўлиб, у тритерпин сапонинларга киради ва организмнинг адаптацион имкониятини оширади.

Ҳозирги замон тиббиётида унинг илдизидан турли препаратлар тайёрланиб илмий медицинада ишлатилади. Шу муносабат билан Қизилмия илдизининг қуруқ экстракти асосида гериатрияда қўллаш учун янги профилактик ичимлик “Хоразм” шарбати препаратини таркиби ва технологияси яратилди.

“Хоразм” шарбати сариқ қўнғир рангли ўзига хос ҳидга эга, қуюқ суюқлик. Унинг таркиби биологик фаол моддалардан глицирризин гликозид, биологик фаол озук маҳсулотлардан каротин моддаси,

оксил, микроэлементлардан ташкил топган.

Дастлабки фармакологик таъсири лаборатор хайвонларда ўрганилганда “Хоразм” шарбати кам захарли эканлиги аниқланиб, организмнинг турли патологик ҳолатларда ҳамда гериатрик восита сифатида қўллашга тавсия этилди.

Кейинги йилларда фан фитогармонлар атамаси пайдо бўлди. Бу гормонлар инсон организмнинг ривожланишида катта роль ўйнаганидек, ўсимликларда ҳам ривожлантирувчи фитогармон (тритерпен сапонинлар) эканлиги аниқланди. Бу фитогармонлар ўсимликларнинг ўсишини тезлатувчи гормонлар деб ҳам юритилади.

Юқорида келтирилган таркибида адаптоген (тритерпен сапонинлар) моддалар сақловчи доривор ўсимликлар ва уларни препаратлари гериатрияга хос касалликни олдини олишда ва даволашда ишлатиш тавсия этилади.

ШАРҚДА ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Содиқова Ш.М. –

“Илмий-техника ахбороти” ДУК

Шарқда қарияларни, аввало, бой ҳаётини тажрибага эга, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган инсонлар сифатида улуғлаймиз. Инсон табиатнинг энг олий неъмат, бетакрор ҳилқатидир. Инсон туғилади, парваришга муҳтож бўлади, ота-онаси, яқинлари уни тарбиялаб, оёққа турғазади, кейин ўзи бошқаларни тарбиялайди, насл қолдиради, авлодини давом эттиради, кексайиб, яна энг яқин кишиларининг ёрдамига муҳтож бўлади. Одамлар ҳаётини босқичларининг мўътадил кечиши учун жамият ва оилада замин тайёрлайди. Бу тайёргарлик халқларнинг турли урф-одатларида, ахлоқий қадриятлари ва эътиқодларида ўз ифодасини топган. Шу боис, жамият ва оилада қарияларга муносабат ҳам шулар жумласига киради. Умуман олганда, Шарқда қарияларни ҳурмат қилиш умуминсоний фазилят ҳисобланади.

Фарзанд ота-онага доимо самимий муомалада бўлиши шарт. Айниқса, улар кексалик ёшига етиб, куч-қувватдан қолиб, ёрдамга муҳтож бўлганларида ҳар бир фарзанднинг масъулияти яна ҳам ортади. Инсон кексайгач, унинг кўнгли нозик бўлиб қолади. Ҳар қандай муомала ҳам ёқавермайди. Шундай ҳолларда фарзанд уларни тушуниб, эътироз билдириши мумкин эмас. Ота-она фарзандини тарбия қилишда ҳар қанча машаққат бўлса ҳам сабр қилган, норози бўлмаган. Аксинча, унга бор меҳрини бахшида этган. Фарзанд гўдаклигида ота-онага қанчалик муҳтож бўлса, ота-она ҳам кексайганида фарзанди ёрдамига шунчалик муҳтождир. Кексаларнинг борлиги улкан бахт. Уларнинг дуолари бизларни турли офатлардан асрайди.

Маънавий-ахлоқий меросдан ўз ижодида самарали фойдаланган буюк мутафаккир Алишер Навоий “Ҳайрат-ул-аброр”, “Насихатнома” каби асарларида ота билан ўғил муносабатларини фалсафий таҳлил қилади. Алишер Навоий Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шариф битикларига асосланиб, Султон Бадиуззамон номига йўллаган мактубида: “Аллоҳнинг ризоси-отанинг ризосига, Тангри Таоло ғазаби-Ота ғазабига вобастадир, ота фарзанд учун парвардигордир. Чунки, Аллоҳ йўқликдан борликқа фарзандини келтирар экан, сабабчиси қилиб отани танлади”¹ - деб ёзади.

Ота-онанинг ёши улғайиб, кексайган сари ақл доираси тўлиб боради, ҳаёт тажрибаси ортади. Айни вақтда, кўп воқеа ва ҳодисаларни, адолатсизликларни кўрганлари боис уларнинг асаблари таранглашади, хотираси заифлашади. Турли хасталикларга тезда чалинади, ҳолсизланиб қолишади, руҳий ҳолатлари ҳам тез-тез ўзгариб туради. Фарзандлар ҳар қандай вазиятда ҳам бундай ҳолатни тўғри тушунишлари, улар билан муносабатда самимий, мулоим ва ширинсухан бўлишлари шарт.

Кайковус “Қобуснома” асарида куйидагиларни ёзган: “Ҳар киши ота-она (асли)нинг яхшилигини билмаса, бировнинг яхшилигига баҳо беролмайди ва ўз фарзанднинг сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳаққига нима иш қилсанг, фарзандларинг ҳам сенга шундай иш қилади”². Ота-онанинг барҳаёт чоғлари фарзанднинг энг бахтиёр, энг масъул ва ғанимат дамларидир. Шу боис, уларни рози қилиш ва дуоларини олиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчидир.

Бой маънавий меросимиз негизида қарияларга муносабат асосий ўрин эгаллайди. Агар кекса авлодга муносабатда миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланмасак, авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлай олмаймиз. Шу боис, қарияларни ҳурмат қилиш, улар соғлом турмуш шароитида яшашлари учун имконият яратиб бериш оиладан бошланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар” (64-модда), “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (66-модда)³, деб ёзилган.

Шарқда азалдан қарияларни кадрлаб, эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйиб, қадрият даражасида эътироф этиб келинган. Ҳадиси шарифда “Кексаларни кадрламаган инсон мусулмон эмас”, дейилган. Аждодларимиз “қари билганни пари билмас”, “қариси бор уйнинг париси бор” деб бежиз айтишмаган. Ўзбекона одоб-ахлоқ бўйича кексалар олдида салом бермасдан ўтиш гуноҳ, деб ўргатилган. Мураббий-устозларнинг беминнат хизматида бир умр содиқ бўлиш, уларнинг дуоларини олиш, насихатларига қулоқ солиш ва амал қилиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланган. Шарқда қарияларни кадрлаш ўзбекона қадрият бўлиб, миллий менталитет

¹ Навоий А. Асарлар. Т.6. Ҳамса. Хайратул-Аброр. Тошкент, 1965. – Б.267.

² Кайковус. Қобуснома. – Т., 1986. –Б.168.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.-Б.12-13.

даражасига кўтарилган, кексаларни хурмат қилиш, асосий ахлоқий фазилат бўлиб, ҳар бир фарзандга ёшлигидан оила даврасида сингдириб борилган. Оғир ишларни, асосан, ёшлар бажарган. Ёши катталар иш бажараётганда ёшлар уларнинг қўлидан олишга одатланган. Ёши катталарга хурмат кўрсатилиб, тўрдан жой берилган. қариялар таом тамадди қилишни бошлаб беришган, унғача биронта ёш дастурхонга қўл узатишга журъат этмаган. Кексалар даврасида болалар кўп гапирмаган, қарияларга гап қайтариш, овозни баландлатиб гапириш гуноҳ ҳисобланган. Турли байрамларда кексалар ва беморлар ҳолидан хабар олиш шарт ҳисобланган.

Ўз навбатида, муайян ҳаётий тажрибага эга, ҳаёт мураккабликларини енгган, қийинчиликда чиниққан кексалар ўтмиш мероси, халқ урф-одатлари ва анъаналарини ёшларга ўргатганлар. Шу боис, ёшлар нафақат ота-оналарнинг, балки маҳалла жамоасининг ҳам эътиборида бўлишган. Шу тариқа, бир томондан, авлодлараро ўзаро муносабатларнинг узвийлиги таъминланса, иккинчи томондан, ёшларда инсоний фазилатлар шаклланиб боришига эришилган. Ёшлар улардан ўрнак олиб, ўз ҳаётлари давомида яхши ном қолдиришга интилишади. Уларда ҳаётга муҳаббат, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик туйғу шаклланади.

Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқида **катталарни хурмат қилиш** одати ҳам уруғчилик давридан бошлаб мавжуд. Бу даврда ижтимоий муносабатлар кичикларнинг катталарга ва қабила бошлиқларига сўзсиз итоатда бўлишини тақозо этган. Уруғ ва оила жамоасини, асосан, уруғ ва оила бошлиқлари бошқарган. Оғир ишларни одатда, ёшлар бажарган. Қариялар кундалик ҳаёт учун зарур билимларни, хусусан, ўтмишдан мерос бўлган барча таомил (урф-одатлар)ни ёшларга ўргатишган. Маълумки, халқимизнинг бундай одатлари халқ анъаналари ҳамда ислом дини ва шариат асосида юзага келган.

Маълумки, халқимизда катталарни хурматлаш, эъзозлаш, уларнинг панд-насихатларига амал қилиш, каби фазилатлар азал-азалдан мавжуд. Чунки, ёшлар кексаларнинг ўғитидан, донолик билан йўғрилган насихатларидан, намунали ҳаётидан хулоса чиқариб, ибрат оладилар. Зеро, қарияли уймақтабдир, деб бежиз айтилмаган. Яна халқда “қария қариндошлар пойтуғидир”, дейилади. Пойтуғ “туғ” сўзидан олинган бўлиб, байроқ ўрнатиладиган жой, яъни қариндош-уруғлар тўпланадиган маскан, деган маънони англатади. Дарҳақиқат, ўзбек оиласида ҳар бир қариянинг ҳолидан хабар олиш, зарурат бўлганда кўмаклашиш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир мўмин, солиҳ фарзанд қариялар дуоларини олтин билиб, уларга беминнат хизмат қилишдан чарчамайдилар.

Ўзбек халқининг бундай хусусиятини Президент И.А.Каримов шундай таърифлаганлар: “Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг хурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсалардан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз”¹. Бу ўзбек халқига берилган ғоят юксак таърифдир.

Хуллас, аждодлар меросида кекса ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди. Ёш авлод бу бой меросдан тўла баҳраманд бўлиши учун, аввало, қарияларни хурмат қилишлари, кадрлашлари, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришлари, ўз фарзандлик бурчларини бажаришлари даркор. Бу меросни ёш авлодга етказиш, уларни баркамол авлод этиб тарбиялашда ота-она, катта ёшдаги кишиларнинг намунали ҳаёти, тарбиявий ишлари,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. 364 - б.

панд-насихатлари катта аҳамиятга эгадир.

ИЗУЧЕНИЕ КАЛЬЦИНОЗА КЛАПАННЫХ СТРУКТУР СЕРДЦА У ЛИЦ ПОЖИЛОГО И СТАРЧЕСКОГО ВОЗРАСТА

Талипова Ю.Ш., Атаханова Л.Э.,
Тулабаева Г.М., Хашимова Л.А.,
Сагатова Х.М. – ТашИУВ

Изменения клапанного аппарата сердца, обусловленные кальцинозом - это дегенеративный процесс, развивающийся чаще всего при старении организма, сопровождающийся фиброзированием и кальцинозом не только клапанов, но и артерий. Возрастная дегенерация (кальциноз) аортального клапана, аорты и митрального кольца – самая частая причина нарушения внутрисердечной гемодинамики в пожилом возрасте.

Цель. Изучить состояние клапанного аппарата сердца у лиц пожилого и старческого возраста в условиях жаркого климата.

Материал и методы. Обследованы 286 больных (123 мужчин и 163 женщин) в возрасте 60-85 лет (средний возраст $76,5 \pm 4,67$ лет). Определялись: конечно-диастолический (КДО) и конечно-систолический (КСО) объем левого желудочка (ЛЖ), показатели сократимости миокарда, фракция выброса (ФВ), ударный объем (УО), размер левого предсердия (ЛП), масса миокарда (ММ) ЛЖ, толщина межжелудочковой перегородки (МЖП) и задней стенки (ЗС) ЛЖ. Для оценки диастолической функции (ДФ) ЛЖ измеряли максимальные скорости кровотока в фазу быстрого наполнения (PVE) и предсердной систолы (PVA), их соотношение (E/A), продолжительность фазы быстрого наполнения (TE), время ускорения (AT) и замедления (DT) кровотока в фазу быстрого наполнения и др. В непрерывном режиме доплер-эхокардиографии определяли время изоволюмического расслабления ЛЖ

(IVRT). По конгломерату выраженности и интенсивности эхосигналов со створок митрального (МК) и аортального клапанов (АоК) оценивалась степень фиброза (Fi+) и кальциноза (Ca+) по 8 балльной системе.

Результаты. Средние значения показателей систолической функции ЛЖ у 83,2% обследованных были снижены (ФВ $\leq 55,6-58,2\%$). У 79,4% исследованных выявлено: уменьшение площади устья аорты до $0,8 - 1,0 \text{ см}^2$ (норма $2,5 - 3,5 \text{ см}^2$), повышение градиента систолического давления (ГСД) между ЛЖ и аортой до 50 мм рт. ст., снижение амплитуды систолического раскрытия аортального клапана (1,6-1,5 см). Поражения митрального клапана проявлялись формированием ригидной, малоподвижной задней митральной створкой с митральной регургитацией различных степеней и уплотнением фиброзного кольца. Дегенеративный кальциноз клапанных структур (ДККС) сердца выявлялся у 64,5% женщин и у 35,5% мужчин, степень Fi+Ca в пределах 5-6 баллов. Дегенеративные изменения в виде конгломерата кальциноза и фиброза только створок АоК выявлены у 62,3% и у 37,7%, которые носили смешанный характер, т.е. одновременное поражение и створок, и комиссур, а также признаки пролапса створок митрального и аортального клапанов на уровне прикрепления створок. Одноклапанное поражение преимущественно АоК отмечалось у 15%, двух клапанное (МК + АоК) у 57% (63,9% из них у женщин) и трех клапанное у 28%, эти изменения отличались от характерных изменений клапанов при приобретенных пороках сердца. У 57% выявлена полная АВ блокада на фоне митрального кальциноза. Нарушения ДФЛЖ по I типу – у 85% (IVRT > 73 мс, VE_{max} – 0.55 см/с, VA – 0.83 см/с, E/A – 0.5-0.6); по II типу – 15% (IVRT ср-51 мс, VE_{max} – 0.94 см/с, VA – 0.38 см/с, E/A – 2,1- 2,3).

Выводы. Таким образом, полученные эхокардиографические данные имеют научно-практический интерес в плане

проведения дифференциальной диагностики ДККС и приобретенных пороков сердца у лиц пожилого и старческого возраста. В связи с этим эхокардиографию необходимо использовать для раннего выявления и лечения ДККС сердца.

КАРДИОПРОТЕКТИВНЫЙ ЭФФЕКТ МОКСОНИДИНА У БОЛЬНЫХ АРТЕРИАЛЬНОЙ ГИПЕРТЕНЗИЕЙ

Тулабаева Г.М., Атаханова Л.Э.,
Исмаилова М.Ш., Сагатова Х.М.,
Талипова Ю.Ш., Хусанов А.А. –
ТашИУВ

Длительное повышение артериального давления (АД) может привести к поражению органов-мишеней и развитию ряда осложнений, в том числе гипертрофии левого желудочка (ГЛЖ). Тактика лечения пожилых больных заключается в предупреждении осложнений (часто фатальных), возникающих при повышении АД и, следовательно, продление жизни, а также улучшение ее качества, что достигается главным образом предупреждением осложнений, поддержанием удовлетворительного физического, умственного и психоэмоционального состояния больных.

Цель. Изучить влияние агониста имидазолиновых рецепторов моксонидина (Физиотенза) на регрессию электрокардиографических (ЭКГ) и эхокардиографических (ЭхоКГ) признаков ГЛЖ у больных с АГ пожилого возраста.

Материалы и методы. Исследовано 35 больных (16 женщин и 19 мужчин) в возрасте 55-68 лет (средний возраст $63,3 \pm 8,5$ лет) с АГ II – III степени. Средняя длительность заболевания – $8,3 \pm 4,5$ лет. Лечебная тактика проводилась следующим образом: 12 больных (34,2%) получали монотерапию моксонидином в дозе 0,2 мг в сутки один раз, 15 (42,8%) – получали моксонидин по 0,4 мг один раз в сутки, 8 – (22,9%) получали моксонидин по 0,4 мг один раз в сутки в комбинации

с индапамидом (индап) 2,5 мг, из-за недостаточного гипотензивного эффекта. ЭКГ – исследование проводилось по общепринятому протоколу. Данные ЭхоКГ включали определение систолической функции ЛЖ, параметры геометрии ЛЖ: определение толщины задней стенки ЛЖ и межжелудочковой перегородки (МЖП), относительную толщину стенок (ОТС), массу миокарда (ММЛЖ) по формуле Devereux, и индекс ММЛЖ (ИММЛЖ), ГЛЖ диагностировали при $\text{ИММЛЖ} \geq 110 \text{ г/м}^2$.

Результаты. Исходно, по данным ЭКГ, у 31 (88,6%) определялись признаки ГЛЖ: индекс Соколова-Лайона ($\text{Sv1+Rv5} > 35 \text{ мм}$) был равен $36,3 \pm 2,6 \text{ мм}$ и индекс Губнера-Унгерлейдера ($\text{RI+SIII} > 25 \text{ мм}$) равен $26,2 \pm 1,5 \text{ мм}$. У 27 (77%) определялась депрессия S-T сегмента 0,5-1 мм и удлинение Q-T интервала. Через 20 недель терапии полученные результаты не были достоверными, хотя имели тенденцию к снижению: индекс Соколова-Лайона и Губнера-Унгерлейдера составили $32,4 \pm 8,3 \text{ мм}$ и $22,6 \pm 7,9 \text{ мм}$ соответственно, наблюдалась положительная динамика депрессии S-T сегмента и приближение к нормальным значениям продолжительности Q-T интервала. Результаты ЭхоКГ показали, что у 32 (91,4%) выявлена ГЛЖ, при этом у 14 (40%) определялись признаки эксцентрической ГЛЖ ($\text{ОТС} < 0,45$), у 8 (22,9%) больных признаки концентрической ГЛЖ ($\text{ОТС} > 0,45$), 22 (62,8%) – с нормальной геометрией ЛЖ. Эксцентрический тип ГЛЖ чаще встречался у женщин 11 (31,2%) в климактерии с избыточной массой тела. Через 20 недель терапии артериальное давление снизилось до целевого уровня, а также наблюдалась тенденция к нормализации параметров сократимости ЛЖ и увеличения систолических показателей. К концу 20 недели ММЛЖ и ИММЛЖ уменьшились на 19,6% ($p < 0,05$) и 20,4% ($p = 0,007$) соответственно. Проводимая антигипертензивная терапия

позволила снизить АД до целевого уровня.

Вывод. Таким образом, у больных АГ II–III степени имеет место неблагоприятная динамика структурно-функциональных показателей сердечно-сосудистой системы, заключающаяся в развитии ГЛЖ. Применение моксонидина в дозе 0,4 мг в сутки в комбинации с индапамидом в течение 5-6 и более месяцев вызывает регресс признаков ГЛЖ по данным эхокардиографии, а также положительно влияет на ЭКГ критерии гипертрофии миокарда левого желудочка, оказывая тем самым органопротективный эффект.

ҚАРИЯЛАРНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШДА ПОЛИКЛИНИКА ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИНИНГ РОЛИ

**Турсунов Э., Каримова Г., Жамолов Н.,
Нигматова Д. – ТошПТИ, “Оқтепа”
маҳалласи**

*Касаллик аҳмоқ учун жабру-жафо,
жоҳил учун умрнинг қиши, донишманд
учун-олтин куз.*

Вольтер

Сверхдолгая жизнь людей, упоминаемая в древних книгах, видимо преувеличена, так как археологические

данные свидетельствуют о том, что древние люди жили не дольше современного человека, видовой предел продолжительности жизни (120-125 лет) не был преодолен.

По имеющимся на сегодня историческим материалам можно предполагать, что наставления основателей медицинской науки, справедливы и поныне.

АРОМАТОТЕРАПИЯ В ГЕРОНТОЛОГИИ

**Худайбергенов А.М., Дадаев Х.А. –
Ассоциация врачей Узбекистана**

По данным литературы влияние запахов на психологическое и физическое состояние человека известно с давних пор. Элементы душистых растений найдены в мотивах декоративных рисунков первобытных пещерных людей. Достоверные сведения о том, что люди научились выделять душистые вещества из растительного сырья, относятся к V тысячелетию до н.э. Древнейшим письменным документом, в котором говорится о целебных свойствах растительных запахов, является клинописная табличка, найденная в Шумере. В ней упоминаются мирт, чабрец, смола деревьев, а также описаны способы пользования растительными лекарствами. Курительные свечи описаны и отображены не только в индийских книгах (VI век до н.э.) и на рисунках в святилище Канхере того же периода, но также в египетском храме Абу Симбел, где найдена картина, на которой Рамзес II (1324 - 1258 до н.э.) жертвует кадила богу Птаху.

Изобретение алхимиками перегонного куба дало новый толчок к получению ароматических веществ. Известный ученый и врач Авиценна (Ибн-Сина), который признан творцом применяемого до сегодняшних дней метода получения эфирных масел из растений путем дистилляции с водяным паром, так писал

о розовом масле: " ... оно повышает возможности разума (мозга) и увеличивает скорость мышления".

Считается, что именно Авиценна первый получил розовую воду – дистиллят из розы

столистной. Арабы ввели в парфюмерию мускус, неизвестный египтянам, оказавшийся прекрасным фиксатором эфирных масел. Удерживая летучие вещества, он медленно освобождает их в среду, обеспечивая стойкость запаха.

Основным действующим началом целебных запахов являются эфирные масла.

Эфирные масла - это квинтэссенция растений, это форма живой энергии, обладающая энергией четырех стихий: земли, воды, огня и воздуха, Эфирные масла? — смесь жидких пахучих летучих веществ, выделенных из растительных материалов.

Это маленькие нежирные капли жидкости, которыми обладают растения. Они летучи, быстро испаряются, не оставляют жирных пятен на одежде.

Эфирные масла воздействуют на организм тремя путями:

1. Посредством обоняния
2. Через поры кожи
3. При приеме внутрь

Авиценна описал более 900 лекарственных растений и их воздействия на организм человека. Одна из книг была посвящена цветку, который мусульмане ценят больше всего - розе.

Немаловажно и то, что действие разных эфирных масел объединяет общая тенденция, а именно: абсолютно все без исключения эфирные масла обладают бактерицидным, антисептическим и противовоспалительным действием.

Все эфирные масла положительно воздействуют на нервную систему, делясь на стимуляторы, адаптогены и седативные масла; все без исключения эфирные масла благотворно воздействуют на сферу эмоций и психическое здоровье; все они обладают ярко выраженными косметическими и

дерматологическими достоинствами, активно восстанавливая и сохраняя здоровье и красоту кожи и волос. Более того, все эфирные масла обновляют механизм саморегуляции в организме и имеют биоэнергетическую ценность.

Эфирные масла, при соблюдении дозировки, не имеют негативного побочного влияния на организм, не вызывают привыкания и вызванного этим уменьшения эффективности, не являются причиной извращения или разбалансировки физиологических процессов организма»

МЕЖМЫШЕЧНЫЙ МИНИДОСТУП ПРИ ХОЛЕЦИСТИТАХ У ЛИЦ ПОЖИЛОГО И СТАРЧЕСКОГО ВОЗРАСТА

**Худайбергана Н.Ш, Аталиев А.Е.,
Мадаминов Р.М., Шатемиров В.Х,
Рузиев У.С. – ТМА**

Число больных с желчнокаменной болезнью и её осложнениями прогрессивно возрастает. В настоящее время этой патологией страдают 10-15% населения планеты, причем число их каждые 10 лет увеличивается в среднем в 2 раза. Уже сейчас холецистэктомия (ХЭ) становится доминирующей в плановой и экстренной абдоминальной хирургии.

Цель работы: Изучение ближайших и отдаленных результатов открытой холецистэктомии с помощью разработанного щадящего межмышечного доступа в правом подреберье.

Материал и методы. Под наблюдением находились 281 больных с пожилого и старческого возраста с холециститом оперированных межмышечным доступом: острым холециститом - 148, хроническим - 133, женщин - 188, мужчин - 93.

Результаты: Разработанный в нашей клинике межмышечный мини-доступ в правом подреберье (косой или поперечный разрез длиной до 6-8 см),

центром которого будет УЗИ-маркированная на коже точка наименьшего залегания шейки желчного пузыря. Рассекается кожа, подкожная клетчатка, тупо отодвигаются сосудисто-нервные пучки, вскрывается апоневроз наружной косой мышцы живота, а внутренняя косая и поперечная мышцы расслаиваются по ходу волокон. При необходимости частично рассекаются передний и задний листки влагалища прямой мышцы живота.

Доступ обеспечивает свободное манипулирование без дополнительных инструментов легче переносится больными.

Интраоперационные осложнения: 5 кровотечений остановлено коагуляцией, в 2 случаях повреждения холедоха произведено: ушивание дефекта (1), дренирования по Керу (1). В послеоперационном периоде нагноения ран у 6 больных и инфильтраты ран в 4 случаях. Послеоперационном вентральные грыжи выявлено в отдалённом сроки минидоступом у 4 больных (1,4%).

Общая летальность составила 2,9%. Причиной смерти в основном были сопутствующие патологии (сердечно-сосудистые, легочные, тромбоэмболии).

Выводы. Таким образом, минилапаротомный межмышечный доступ при холециститах отличается малой травматичностью, позволяет сохранить сосудисто-нервные пучки, уменьшается время проведения операции, сокращаются сроки пребывания больных в стационаре, улучшается качества их жизни, резко снижается частота послеоперационных осложнений.

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ДИЛТИАЗЕМА У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКОЙ ОБСТРУКТИВНОЙ БОЛЕЗНЬЮ ЛЕГКИХ, АССОЦИИРОВАННОЙ С ГИПЕРТОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ

Хусанов А.А., Тулабаева Г.М.,
Сагатова Х.М., Атаханова Л.Э.,
Талипова Ю.Ш., Азизова Ф.Ф. -
ТашИУВ

Сочетание хронической обструктивной болезни легких (ХОБЛ) с гипертонической болезнью (ГБ) создает немалые трудности в подборе гипотензивной терапии. Многие из антигипертензивных препаратов способны усилить бронхообструкцию, нарушить мукоцилиарный клиренс.

Цель исследования: изучить влияние дилтиазема на показатели гемодинамики у больных артериальной гипертонией (АГ) в сочетании с хроническими обструктивными болезнями легких (ХОБЛ).

Материал и методы: Обследованы 41 больных (25 мужчин и 16 женщины) ХОБЛ II-III стадии в фазе обострения на фоне ГБ, средний возраст - $52,7 \pm 3$ года. Лечение продолжалось в течение 12 недель. До и после лечения всем больным проводился контроль артериального давления (АД), исследовались функция внешнего дыхания (ФВД), газовый состав крови, тромбоцитарный гемостаз, показатели микроциркуляции. Все больные получали поддерживающую терапию ХОБЛ (продолжительные теофиллины, стабилизаторы клеточных мембран, бета-агонисты адренорецепторов), которая оставалась неизменной на всем протяжении исследования. Не были включены в исследование пациенты с признаками острой дыхательной недостаточностью, хронического легочного сердца и пациенты, получающие глюкокортикостероиды. Не менее чем за две недели до начала исследования больным отменялись антигипертензивные препараты. дилтиазем (производи-

тель «Ланнахер Хайльмиттель ГмбХ») назначался в дозе 90–360 мг/сут *per os* в течение 12 недель.

Результаты: у исследуемых пациентов выявлены выраженные исходные нарушения ФВД в виде уменьшения легочных объемов и увеличения бронхиальной обструкции, что приводило к снижению парциального давления кислорода (pO_2) и повышению парциального давления углекислого газа (pCO_2). Полученные данные свидетельствовали о наличии у больных частично обратимой бронхиальной обструкции и о смешанном обструктивно-рестриктивном варианте дыхательной недостаточности I-II степени с объемом форсированного выдоха за 1 сек (ОФВ1) до $72,4 \pm 8,4\%$ и пиковой скоростью выдоха (ПСВ) $-61,2 \pm 8,9\%$. Показатели АД исходно составляли $162 \pm 1,3/97,6 \pm 0,8$ мм.рт.ст. По данным доплерэхокардиографии (Д-ЭхоКГ) у 80% обследованных определялись диастолическая дисфункция по гипертоническому типу, снижение систолической функции (фракция выброса левого желудочка в ср. $52,6 \pm 4,3$), а также повышение среднего давления в легочной артерии (СрДЛА). Через 12 недель наблюдения показатели АД достоверно снизились и составили $130,2 \pm 0,7/80,2 \pm 0,6$ мм.рт.ст. у 71% исследуемых. В результате включения в комплексную терапию дилтиазема, наблюдалась достоверная положительная динамика показателей ФВД и оксигенации крови. Так pO_2 достоверно возросло на 7,5% ($p < 0,001$), а pCO_2 достоверно уменьшилось на 7,2% ($p < 0,001$), что обусловлено улучшением показателей ФВД. После проведенной терапии по данным Д-ЭхоКГ было отмечено снижение исходно повышенного среднего давления в легочной артерии (СрДЛА) на 32% ($p < 0,001$), снизилось давление напряжения, за счет гипотензивного эффекта дилтиазема. У пациентов ХОБЛ в сочетании с АГ отмечалось достоверное улучшение диастолической функции левого желудочка на 33,3% ($p < 0,01$).

Показатели функции внешнего дыхания сохранились стабильными. Ни у одного из пациентов не зарегистрировано побочного действия препаратов.

Таким образом, препарат положительно влияет на течение АГ у больных ХОБЛ, улучшая показатели внутрисердечной гемодинамики большого и малого круга кровообращения, способствует улучшению ФВД и газового состава крови и является препаратом выбора при подборе антигипертензивной терапии у больных ХОБЛ.

ОСОБЕННОСТИ ШИЗОФРЕНИИ У БОЛЬНЫХ ПРЕСЕНИЛЬНОГО И СЕНИЛЬНОГО ВОЗРАСТА, СОВЕРШИВШИХ ОБЩЕСТВЕННО ОПАСНЫЕ ДЕЙСТВИЯ, НАПРАВЛЕННЫЕ ПРОТИВ ЛИЧНОСТИ

**Чембаев Б.Р., Ешимбетова С.З. –
ТашИУВ**

Актуальность проблемы: Возможность совершения больными шизофренией общественно опасных действий (ООД) и их реализация, зачастую влекущая за собой тяжкие последствия, объясняет то большое общественное значение, которое придается изучению факторов, способствующих совершению правонарушений лицами, страдающими психическими расстройствами. Выявление особенностей шизофрении у больных, совершивших общественно опасные действия, направленные против личности, в пресенильном и сенильном возрасте, является важным компонентом в разработке дифференцированных программ профилактики правонарушений среди данного контингента лиц.

Цель работы: Выявление особенностей течения шизофрении, влияющих на совершение общественно опасных действий больными в возрасте 45 лет и старше.

Материал и методы: Проведено обследование 104 мужчин и 20 женщин,

больных шизофренией, совершивших агрессивные общественно-опасные действия, направленные против личности, признанных в отношении инкриминируемых им деяний невменяемыми. Было проведен сравнительный анализ основной группы больных шизофренией (26 человек), совершивших ООД, по причине которого они были направлены на принудительное лечение, в возрасте 45 лет и старше (средний возраст $49,0 \pm 3,48$ лет), с контрольной группой лиц (98 человек), совершивших ООД в возрасте до 44 лет (средний возраст $32,29 \pm 7,35$ лет). В работе использовались клинко-катамнестический, клинко-психопатологический и статистико-математический методы. Было проанализировано влияние различных факторов на совершение ООД.

Результаты: Возраст начала заболевания у лиц основной группы составил $34,73 \pm 8,95$ лет, у лиц контрольной группы $25,16 \pm 7,23$. Продолжительность эндогенного процесса до совершения ООД составила у лиц основной группы $14,11 \pm 9,25$ лет, у лиц контрольной группы $7,55 \pm 7,63$ лет. 9 (34,62 %) больных из основной группы ранее проходили принудительное лечение за совершение ООД агрессивного характера, аналогичный показатель у контрольной группы был значительно меньше и составил 4 (4,08 %) больных ($0,001 < p < 0,01$). Количество лиц, совершавших суицидальные попытки, в основной группе составило 11 (42,31 %), что значительно превышало показатель контрольной группы, составивший 14 больных (14,29 %). Количество госпитализаций в психиатрические стационары до совершения ООД у лиц основной группы составило в среднем 7,69, а у лиц контрольной группы 4,23.

Выводы: Общественная опасность больных шизофренией сохраняется в любом возрасте, ООД среди больных шизофренией в возрасте старше 45 лет чаще совершали лица с поздним началом и большей длительностью течения

заболевания, ранее уже совершавшие агрессивные и аутоагрессивные действия. При этом эндогенный процесс протекал более прогрессивно, с частыми рецидивами эндогенного процесса и выраженностью клинических проявлений, о чем свидетельствует большее количество госпитализаций.

ВЛИЯНИЕ БУТАДИОНА НА ТЕЧЕНИЕ "АДЬЮВАНТНОГО АРТРИТА" У КРЫС РАЗНОГО ВОЗРАСТА

Шукуруллаев К.Ш., Каландарова У.А., Матризаев Т.Ж. – Ургенчский филиал ТМА

Целью нашей работы является изучение влияния бутадиона на течение "адьювантного артрита" у крыс разного возраста.

Опыты проводили на 12 крысах обоего пола смешанной популяции массой 160-180г (крысы молодого возраста) и 12 крысах массой 360-380г (крысы старшего возраста).

Бутадион вводили перорально в дозе 100 мг/кг. "Адьювантный артрит" вызывался по методу С.М. Дроговоза (2002).

Под эфирным наркозом, внутривенно в основание хвоста крыс вводили 0,1 мл полного адьюванта Фрейнда (ПАФ). День индукции считали „О" днем, а последующие 1,2,3 и т.д. днями. Начиная со дня индукции, животные наблюдались ежедневно в течение 30 дней. Объем лапок измеряли с помощью водного плетизмометра в начале исследования, а начиная со 2 дня, через каждые 4 дня. Кроме того, в течение периода наблюдения нами учитывалось количество пораженных конечностей и наличие поражения межпозвоночных сочленений. Тяжесть поражения суставов учитывалась комплексно в баллах.

Установлено, что первые признаки "адьювантного артрита" в контрольной группе у крыс молодого возраста

появились на 7-8 сутки, а у крыс старшего возраста на 8-12 сутки после индукции ПАФ.

В начальной стадии первичная воспалительная реакция возникла в виде отека и покраснения, чаще одной, реже двух конечностей, а также мест индукции ПАФ. Через 8-12 дней от начала заболевания (18-22 дня после индукции ПАФ) синдром достигал максимальной тяжести, что проявилось тяжелым полиартритом со значительными нарушениями двигательной активности. Отмечалась прямая зависимость тяжести суставного синдрома от времени начала заболевания, чем раньше начинался артрит, тем тяжелее он протекал. Кроме суставов, нередко отмечалось поражение межпозвоночных сочленений, что придавало хвосту характерную четкообразную форму. Развитие артрита сопровождалось особенно у старших крыс выпадением шерсти, ринитом, диареей. Начиная с 19-22 дня после индукции ПАФ, наблюдалось обратное развитие симптомов и к 30 дню наступала стойкая деформация вовлеченных в процесс суставов.

В группе крыс молодого возраста, получавших бутадион, наблюдалось замедление появления симптомов артрита на 18,4%, а у крыс старшего возраста на 11,3%. Тяжесть суставного синдрома у крыс молодого возраста бутадион уменьшил на 37%, а заболеваемость составляла 62,9%.

В группе крыс старшего возраста тяжесть суставного синдрома бутадион уменьшил на 21%, а заболеваемость составляла 78,7%.

Таким образом, результаты проведенных исследований показали, что бутадион в дозе 100мг/кг при профилактическом введении оказывает выраженное положительное действие на течение "адьювантного артрита" у крыс молодого возраста, а у крыс старшего возраста препарат оказывает слабое противовоспалительное действие.

У крыс молодого и старшего возрастов, получавших бутадион в дозе

100мг/кг для лечебной цели, с 10-13 дня также наблюдалось снижение "суставного синдрома", однако, при этом препарат оказал слабое противовоспалительное действие.

Вывод:

Бутадион снижает заболеваемость и "тяжесть суставного синдрома" при "адьювантном артрите" у крыс. Бутадион оказывает более выраженное противовоспалительное действие в группе крыс молодого возраста, а в группе крыс старшего возраста препарат оказал слабое антифлогистическое действие при "адьювантной болезни" у крыс.

ГЕРИАТРИЯДА ЯНГИ ХРОЗОФОРИН ПРЕПАРАТИ

Эшчанов Р., Собиров Р., Муратов Б.,
Худайкулова Ф. – Хоразм Маъмур
академияси

Гериатрия – клиник тиббиётнинг кексаларга хос касалликларни ўрганадиган, уларни олдини оладиган, даволаш усуллари ишлаб чиқадиган тиббиётнинг бир бўлагидир. Гериатрия касалликларини даволашда таркибида гериатрик моддалар сакловчи ўсимликлар ва уларнинг препаратлари ишлатилади.

Ҳозирги кунда илмий тиббиётда Япон сафорасининг гул ғунчаси ва мевасидан олинган рутин препарати гериатрияда кенг ишлатилади. Рутин витамин Р етишмовчилигидан келиб чиқадиган касалликларда, қон томирлар девори ўтказувчанлигини камайтиришда уларнинг мустаҳкамлигини оширишда қўлланилади. Япон сафораси (тухумак) нинг ватани Хитой ва Япониядир. Кейинги йилларда Ўзбекистонда манзарали дарахт сифатида ўстирилмоқда.

Узоқ йиллик илмий изланишлар туфайли япон сафорасининг ўрнини босадиган Ўзбекистон флорасида мавжуд бўлган Ошиқўт (*Chrozophora Sabulosak.et.k*) нинг аниқланиши катта

аҳамиятга эга бўлди. Бу борада 1965-1967, 1968-1969 йилларда Хоразм воҳаси бўйлаб қилинган экспедиция материаллари асосида йиғилган гербарийлар ичидан қизилқумда ўсувчи Ошиқўтнинг ер устки қисмини фитокимёвий хусусиятларини ўрганиш натижасида, унинг ер устки қисмида янги гликозид бўлган Эпирутин моддаси борлиги аниқланди. Эпирутиннинг Рутиндан фарқи шундаки, бу иккала модда флавоноид биозидларидан иборат. Рутин моддаси таркибидаги глюкоза фураноз боғламга, рамноза эса пираноз боғламга эга. Эпирутинда эса глюкоза пираноз боғламга, рамноза эса фураноз боғламга эга бўлиб чиқди. Шунингдек, Эпирутинни физик-кимёвий хусусиятларини, УФ-ИК спектрофотометрик услубда олинган хулосалар бўйича янги Эпирутин янги модда эканлиги аниқланди.

Ошиқўтнинг таркибида янги Эпирутин ва витамин "Р" борлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг ер устки қисмидан мацерация услубида Хрозофорин препарати яратилди. Хрозофорин таркибида флавоноид биозидлар, витамин Р ва эпирутин моддалар йиғиндисидан иборат. Препарат сарик рангли, кичик кристалл кукунсимон модда бўлиб, у енгил аччиқ таъмга эга, сувда ёмон, спиртда эса яхши эрийди.

Хрозофорин препаратини Тошкент Тиббиёт академиясининг фармакология кафедрасида захарли ва капиллярларнинг ўтказувчанлик хусусиятларига таъсири профессор М.М.Азимов бошчилигида лаборатор жониворларда тажриба ўтказилиб ўрганилди. Бунда дастлабки олинган натижаларга асосланиб яратилган янги препарат Хрозофорин захарсиз бўлиб, ўз хусусиятларига кўра Р витамини ва рутинга ўхшаб қонтомирлар капиллярлари ўтказувчанлиги пасайтирувчи хусусиятга эга эканлиги аниқланди, шунингдек витамин Р ва рутин препаратлари билан солиштириб кўрилганда таъсир қилиш доимийлиги бўйича бир хил эканлиги аниқланди. Шу сабабли препарат Хрозорфин капилляр-

лар ўтказувчанлигини камайтирувчи энг яхши доривор восита сифатида клиник текшириш учун тавсия қилинди.

Хрозофорин кукуни 0,5 мгли таблетка шаклида Украинанинг Харьков шаҳридаги Давлат илмий текшириш марказининг фитокимё ва технология лабораториясида тайёрланди. Хрозофорин препарати учун №1688482 сонли муаллифлик гувоҳномаси 04.04.1991 йилда олинди.

Хрозофорин препаратини илмий тиббиётга ишлатиш учун тавсия қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки Рутин препарати билан таъсир механизми бир хил эканлиги ҳамда Ошиқўт таркибида витамин Р моддасининг борлиги гериатрияла яхши натижа бериши мумкинлиги илмий равишда тасдиқланди.

Шунингдек, ошиқўтнинг маҳаллий ўсимлик сифатида Ўзбекистон флорасида ўсишини ҳисобга олган ҳолда, хомашё базаси етарли бўлиши, шу куннинг ҳар томонлама талабларига жавоб беради.

КЕКСА ЁШЛИ КИШИЛАР ПСИХОГИГИЕНАСИ

Юсупова О.Б., Атажонов У.Ж. –
ТТА Урганч филиали

Ҳозирги кунда дунёдаги барча мамлакатлар ва давлатлар аҳолисининг ўртача умр кўриш муддати йилдан-йилга ошиб бормоқда ва бу бир қатор муаммоларни юзага келтириб чиқаради. Статистик маълумотларга кўра 80% дан ортиқ қарияларнинг тақдири ҳозирги кунда жамият ҳаётидан ташқарида қолганлигини кўрсатади, табиий-ки, бундай ҳолат бу ёши ўтган инсонлар организмда руҳий ва физиологик силжишларнинг келиб чиқишига асос бўлади.

Зиёли инсонларда регрессия даражаси секин ва кўзга кўринмас даражада бўлади. Ҳалқимизда шундай доно бир мақол бор: "илм билан машғул бўлган кишиларни қариллик четлаб ўтади".

Қари ёшдагилар психогигиенасининг асосида атрофда бўлаётган жараёнларга тўғри ёндошиш хусусияти хос. Ларошфуконинг фикрига кўра, қаришни ҳам билиш керак ва бу йўналишда ҳар бир шифокорнинг вазифаси шундан иборат-ки, одамларда физиологик қариш ва кексайишнинг физиологик асосларини одамларга асталик билан уқтириб, ўргатиб бориш ҳисобланади. Одамларни кексайишга ўргатиш қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- кексайиш - бу объектив жараён, бу жараёнда атроф муҳит омилларига бўладиган талабларни қисқартириш лозим, жумладан, ўз фаолиятини биров бўлсада қисқартириш, кексайишни куч орқали секинлаштиришга уринмаслик кераклигини ҳар бир одам англаб етиши лозим;

- кексайган чоғда ҳам соғлом ва фаол бўлиш учун юқори даражадаги интеллект, спорт машқлари билан шуғулланиш ёрдам беради;

- руҳий кайфият, кексайиш учун руҳан тайёрланиш, бу жараённи оптимистик тарзда кутиб олишга шароит яратади;

- жамоат ичида фаолият кўрсатганлардаги кексайиш жараёни, ёлғиз яшаганлардагига караганда кечроқ рўёбга чиқади;

- ҳар бир одам ўзини қариликда белгиланадиган нафақага ўз вақтида чиқишига тайёрлаб бориши лозим;

- янги қарилик турмуш тарзига мослашиш, илгариги касбдошлари билан алоқаларни узмаслик, моддий таъминланганликнинг ахамияти жуда каттадир.

Атрофдаги одамларни қарияларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромли бўлишлари талаб этилади.

УЗОҚ УМР КЎРИШ ВА ТЎҒРИ (РАЦИОНАЛ) ОВҚАТЛАНИШ

**Қурбонов Ш., Дўсчанов Б.,
Қурбонов А., Раҳматуллаев Ё. –
ҚарДУ, ТТА Урганч филиали**

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботларида қайд қилинишича ер юзи аҳолиси орасида қариялар сони тобора ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири қилиб кўпгина давлатлар ва элатларда яшаш шароитларининг олдинги даврлардагига нисбатан яхшиланиб бораётганлиги деб кўрсатилмоқда [1-5]. Жумладан Ўзбекистонда ҳам қариялар сони кўпайиб, улар учун турмуш даражаси тобора яхшиланмоқда, яъни нафақа миқдори йилдан йилга оширилмоқда, махсус даволаниш марказлари, санатория ва дам олиш уйлари ташкил қилинмоқда ва ҳаказо.

Биолог олимларнинг ҳисоб-китобларига караганда одам ўз умри давомида потенциал ақлий қобилиятининг кўпи билан 30% ни сарфлар экан холос. Тиббиёт илмининг асосчиси, буюк аллома Абу Али ибн Сино “Киши кексарган сари бели, кўл ва оёқларидан кучи кетса-да, ақлу идроки тобора тўлишиб боради” деб эътироф этган. Шундай экан уларни асраб авайлаш, улардаги ақлий имкониятлардан иложи борича тўлиқроқ фойдаланиш чоратадбирларини кўриш куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бу борада уларнинг тўғри (рационал) овқатланиши муҳим омил ҳисобланади. Қарияларнинг меъёрий овқатланиши бўйича тегишли тавсияномалар мавжуд бўлсада, улардан Республикамиз шароитида тўлиқ равишда унумли фойдаланиш анча қийин. Чунки ҳар бир худуд ўзида мавжуд озиқ-овқат маҳсулотлари, уларнинг захираси, таркиби, сифати билан айнан ўзига хос хусусиятларига эга. Яна мавжуд меъёрлар 2000 йилнинг бошларида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда экологик ва иқтисодий-ижтимоий

ўзгаришлар туфайли ҳақиқий кўрсаткичлардан анча-мунча фарк қилади. Қолаверса турли ҳудудда яшовчи аҳолининг овқатланиш борасида тегишли урф-одатлари, анъаналари мавжуд. Шу боис ҳар бир ҳудудда яшовчилар, шу жумладан қариялар учун ҳам, рационал овқатланиш бўйича тавсиялар бериш мақсадида дастлаб уларнинг амалдаги овқатланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Биз ўз кузатувларимизни Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи кексалар устида олиб бордик. Текширилувчилар (жами-80 нафар, шундан 40 нафари эркак ва 40 нафари аёл) ёш жиҳатидан икки гуруҳга (60-74 ва 75-90 ёшлилар) бўлиниб, тадқиқот қиш мавсумида олиб борилди. Уларнинг аксарияти нафақадагилар, жуда кам қисми эса ҳар хил ишлар билан (қоравул, фаррош ва бошқалар) шуғулланишади.

Тадқиқотлар амалдаги овқатланишни ўрганишда кенг қўлланиладиган ва анча қулай бўлган анкета-сўров усулида олиб борилди [8-10]. Текширилувчилар анкеталарни бир ҳафта давомида (дам олиш куни ҳам киритилган ҳолда) тўлдириб боришди ва уларда кўрсатилган таомлар таркибидаги масаллиқлар миқдори ва таркиби тегишли адабиётлардан фойдаланилган ҳолда ўрганилди [7-11]. Тўпланган маълумотларни қайта ишлашда Microsoft Excel дастуридан фойдаланилди.

Олинган натижалар 1- ва 2 - жадвалда асқ этган.

Кўриниб турибдики, кекса ва қари кишиларнинг кундалик овқатланишида бир қатор жиддий ўзгаришлар мавжуд. Бу ўзгаришларни барча гуруҳларда кузатиш мумкин ва улар асосан тегишли озиқ моддаларнинг кунлик рацион таркибида камлиги билан изоҳланади. Кексаларнинг кунлик рационада етишмайдиган озиқ моддаларга мисол сифатида оксилларни, ёғларни, токоферол, кальциферол каби баъзи витаминларни, кальций, темир, фосфор каби баъзи микроэлементларни кўрсатиш

мумкин. Углеводлар эса кексаларнинг кунлик рационада меъеридан бироз кўпроқ учрайди.

1-жадвал

60-74 ёшли текширилувчиларнинг кунлик овқати таркибидаги озиқ моддалар ва уларнинг меъёрга нисбатан ҳолати

Кўрсаткичлар	Эркаклар			Аёллар		
	меъёр	натижа	меъёрга нисбатан %	меъёр	натижа	меъёрга нисбатан %
Оксиллар, г	68	59,1	87	61	49	81
Ёғлар, г	77	82,4	107	66	63,6	96
Углеводлар, г	335	428	128	284	340,8	120
Витаминлар						
Е, мг	15	12,6	84	12	9,6	80
А, мкг	1000	820	82	800	713	89,1
Д, мкг	2,5	1,78	71,2	2,5	1,82	72,8
В ₁ , мг	1,4	1	71,4	1,3	0,94	72,3
В ₁₂ , мкг	3	2,26	75,3	3	2,62	87,3
С, мг	80	67,8	84,7	80	73,5	91,8
Минерал моддалар						
Са, мг	1000	823	82,3	1000	710	71
Р, мг	1200	1080	90	1200	920	76
Mg, мг	400	355	88,7	400	338	84,5
Fe, мг	10	8,16	81,6	10	7,62	76,2

2-жадвал

75-90 ёшли текширилувчиларнинг кунлик овқати таркибидаги озиқ моддалар ва уларнинг меъёрга нисбатан ҳолати

Кўрсаткичлар	Эркаклар			аёллар		
	Меъёр	Натижа	Меъёрга нисбатан %	Меъёр	Натижа	Меъёрга нисбатан %
Оксиллар, г	61	45,7	75	55	38,5	70
Ёғлар, г	65	52,4	80,6	57	42,4	74,5
Углеводлар, г	280	294	105	242	285,5	118
Витаминлар						
Е, мг	15	11,6	77,3	12	8,2	68,3
А, мкг	1000	780	78	800	530	66,2
Д, мкг	2,5	1,67	67	2,5	1,40	56
В ₁ , мг	1,2	0,86	71,6	1,1	0,72	65,4
В ₁₂ , мкг	3	2,26	75,3	3	2,1	63,6
С, мг	80	64,2	80,2	80	71	88,7
Минерал моддалар						
Са, мг	1000	660	66	1000	580	58
Р, мг	1200	960	80	1200	844	70,3
Mg, мг	400	310	77,5	400	288	72
Fe, мг	10	7,1	71	10	6,5	65

Қайд қилиш мумкинки, 60-74 ёшли эркекларда оксилга бўлган талаб 87 % га, ёғларга 107 % га, углеводларга эса 128 % га қондирилган. Худди шу кўрсаткичлар ушбу ёшдаги аёлларда қуйидагича кўриниш олган: оксиллар 81 %, ёғлар 96 %, углеводлар 120 %.

75-90 ёшли аёлларда ҳам асосий озиқ моддаларга бўлган талаб меъёрида қондирилмаган: оксиллар 70 %, ёғлар 74,5 % ва углеводлар 118 %. Худди шу ёшдаги эркекларда бу рақамлар тегишли равишда 75; 80,6 ва 105 % га тенг экани кузатувлар давомида аниқланди.

Демак, асосий озиқ моддалар ичида оксиллар ва ёғларга бўлган талаб кексаларда етарлича қондирилмаган.

Шунга ўхшаш ҳолатларни витаминлар ва минерал моддалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. 60-74 ёшли эркекларнинг кунлик рационда энг кам миқдордаги витаминлар сирасига Д (71,2 %), В₁ (71,4 %) ва В₁₂ (75,3 %) ларни киритиш мумкин. Минерал моддалардан эса кўпроқ Са (82,3 %) ва Fe (81,6%) етишмаслиги кузатилади. Худди шу ёшдаги аёлларнинг кунлик рационда витаминлар ва минерал моддалар миқдори ҳам меъёридан камроқ. Масалан, Д (72,8 %), В₁ (72,3 %) каби витаминлар ҳамда кальций (71 %), фосфор (76%) ва темир (76,2 %) каби микроэлементлардир.

75-90 ёшли текширилувчиларда эса баъзи бир асосий ва қўшимча озиқ моддаларга бўлган талаб янада пастроқ қондирилган. Масалан, шу ёшдаги эркекларда оксилларга бўлган талаб 75 % га, ёғларга бўлган талаб 80,6 % га қондирилган. Углеводларга бўлган талабнинг қондирилиши эса 105 % ни ташкил этади.

Аёлларда эса ушбу озиқ моддаларга бўлган талаб қуйидагича: оксиллар 70 %, ёғлар 74,5 % ва углеводлар 118 %.

Ушбу гуруҳдаги кишиларнинг баъзи витаминлар ва минерал моддаларга бўлган талаби ҳам етарлича бўлмаган. Хусусан эркекларда Д (67 %), А (78 %) ва Е (77,3 %) витаминлар, кальций (66 %), темир (71 %) каби микроэлементлар,

аёлларда эса Д (56 %), В₁ (65,4) ва В₁₂ (63,6 %) витаминлар, кальций (58 %), темир (65 %) каби микроэлементлар меъёридан анча кам қабул қилинган.

Ушбу ҳолатларнинг изохи ҳақида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, кекса кишилар организмида юзага келадиган бир қатор ўзгаришлар уларнинг овқатланиш хусусиятларига таъсир этмай қолмайди. Масалан, уларда ошқозон-ичак йўлидаги функционал фаолиятларнинг сезиларли даражада сусайиши истеъмом қилинган озиқ моддаларнинг ҳазмланишини қийинлаштиради. Секретор фаолиятнинг бузилиши озиқ моддаларнинг парчаланишини сусайтирса, мотор фаолият уларнинг ичаклар бўйлаб ҳаракатини қийинлаштиради, сўрилиш жараёнининг бузилиши эса парчаланган озиқ моддаларнинг ичаклардан қонга ўтишини ёмонлаштиради.

Кекса кишиларнинг овқатланиш ҳолатига уларда умумий моддалар ва энергия алмашинувининг сусайганлиги ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Умуман олганда кекса организмларда онтогенетик тараққиёт давомида юзага келадиган турли морфологик ва функционал ўзгаришлар уларнинг овқатланиш ҳолатига жиддий даражада таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан ташқари кексалар овқатланишдаги номуносивликларга бошқа омиллар ҳам таъсир этмай қолмайди. Бу биринчи навбатда кўпчилик кексаларнинг нотўғри ва нораціонал овқатланишидир. Кекса кишилар учун тавсия этиладиган меъёрларга тўлиқ амал қилмаслик, рационал овқатланишнинг тартиб, сифат ва миқдор принципларига тўла риоя этмаслик ва бошқалар овқатланиш жараёнларининг жиддий бузилишларига олиб келади.

Олинган натижалар ва мавжуд адабиётларда келтирилган маълумотларга таяниб, кекса кишилар овқатланишининг мақсадга мувофиқ бўлишида қуйидаги тамойилларга амал қилишни тавсия этиш мумкин.

1. Ҳар бир худудда яшовчи кексаларнинг амалдаги овқатланишини

тўғри ташкил қилиш мақсадида шу ёшдаги аҳоли гуруҳларининг рационал овқатланиши бўйича тарғибот ишлари олиб бориш.

2. Кундалик истеъмол таомларидаги умумий энергиянинг шу вақт давомида сарфланадиган энергияга тенг бўлиши.

3. Истеъмол таомларининг антисклеротик (склероз пайдо бўлишига қарши) хусусиятга эга бўлиши.

4. Таомларнинг хилма-хиллиги ва улар таркибидаги зарурий моддалар ҳамда бирикмаларнинг меъёрий нисбатда бўлиши.

5. Кунлик ейиладиган овқатларнинг танадаги ферментлар тизимини фаоллаштирадиган моддалар (витаминлар, макро- ва микроэлементлар, биологик фаол моддалар ва бошқалар) билан етарли даражада бойитиш.

6. Истеъмол таомларини иложи борича ферментлар таъсирида осон парчаланадиган озиқ моддалардан иборат бўлиши.

Кекса кишиларнинг ушбу овқатланиш тамойилларига риоя қилишлари уларнинг узоқ умр кўришларида, ақлий ва жисмоний иш қобилиятларини оширишда катта аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Лебедева Е.А. Особенности белково обмена в связи с процессами старения и характером питания: Автореф. дис... д-ра. мед. наук. Л., 1972.

2. Фролькис В.В. Старение и биологические возможности организма. Москва, Изд-во Наука. 1975, 272 с.

3. Григоров Ю.Г. Питание и некоторые показатели здоровья пожилых и старых людей. Автореф. дис... д-ра мед. наук. - Киев, 1975.

4. Стеженская Е.И и др. Условия жизни и пожилой человек. Москва: Медицина, 1978. 311 с

5. Самсонов М.А., Мещерякова В.А. Питание людей пожилого возраста. Москва, Медицина, 1979, 80 с.

6. Валенкевич Л.Н. Пищеварительная система человека при старении. Л., 1984. 224 с.

7. Нормы физиологических потребностей в основных пищевых веществ и энергии для различных групп населения. - М., 1991.- 7 с.

8. Курбонов Ш. Овқатланиш маданияти. Тошкент: “Маънавият”, 2005.-206 б.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ “ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР” АСАРИДАГИ УЗОҚ УМР КЎРИШ ҲАҚИДА

Ғойипов М.А. – Хоразм Маъмун
академияси

Абу Райхон Беруний фаннинг ҳамма соҳаларида самарали ижод этган ва бой илмий мерос қолдирган. Академик И.Ю.Крачковский сўзи билан айтганда, “унинг қизиққан соҳаларни санаб чиққандан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаш осонроқ”. Берунийнинг биринчи йирик асари “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобидир. Бу мақолани ёзишдан мақсад олимнинг узоқ умр кўриш ҳақидаги масалаларини ўрганиб, уларни илмий муомалага киритиш ва кенг жамоатчиликни қизиқтиришдир.

Асарнинг арабча номи “Ал осор ал-боқия ал-қурун ал-ҳолия” бўлиб, Европада “Хронология”, ўзбек шарқшунослигида “Осор ал-боқия” номи билан машҳур. Олим бу китобини Журжонда муҳожирлик даврида 1000 йилда ёза бошлади ва энди 27 ёшига кирганда ёзиб тамомлаган. Устоз Беруний бу асарини ўша вақтда Хоразм ва умуман Каспийолди вилоятларида ҳукмронлик қилаётган зиёрийлар сулоласи (928-1042)нинг машҳур вакили Қобус ибн Вашимгир (“Шамс ал-Маолий” (“Олий мартабалар қуёши”) лақаби билан машҳур бўлган)га бағишлайди. “Осор ал-боқия” асарида астрономия, математика, тарихий масалалар тўлиқ ёритилиб берилган ва бу соҳалар мутахассислар томонидан ўрганилган. Китобдаги геронтология – узоқ умр кўриш ҳақидаги баъзи маълумотлар тиббиёт тарихчилари томонидан ўрганилмаган. Берунийни бу соҳадаги маълумотлари тиббиёт ва унинг геронтология илми билан шуғулланувчилар учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Берунийнинг геронтология фанига оид куйидаги масалаларни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинади. Айрим

жоҳил “ҳажвийлар” ва аҳмоқ “дахрийлар”... яъни бу гуруҳ кўзга кўринадиган нарсаларга ишонадилар... худосизлар, илгари ўтган халқларнинг тавсиф этилган умрларининг узунлигини, айниқса Иброҳим Алайҳиссалом замонидан олдингилар ҳақида айтилганларни инкор этадилар. Ўз замонларида кўраётганларига қиёс қилиб, илгариларнинг гавдалари ҳақидаги ҳикояларини ёқтирмайдилар ва ёмон кўрадилар: бундай нақлларни имконият чегарасидан мумкин эмаслик соҳасига кўчирадилар. Улар болалар туғилгач, қанча умр кўришлари ҳақида астрологлардан эшитган энг кўп “ёритқичлар ҳадяси”, яъни астрологияда у ёки бу ёритқич томонидан одамларга ҳадя қилинадиган умр миқдори ҳақидаги нарсаларни асос қилиб оладилар.

Асослари шуки: (бола туғилган вақтда) қуёш “ҳайлож” ва “қадхудо” бўлса... у энг кўп йилни... туғилган болага 120 (бир юз йигирма) йилни ҳадя қилади. Бунга ой 25 (йигирма беш) йил, зухро 8 (саккиз) йил, Уторид (Меркурий) 20 (йигирма) йил, муштарий 12 (ўн икки) йил қўшади. Қуёш ҳадясининг тўртдан бирини, яъни 30 (ўттиз) йилни қўшади. Икки наҳс юлдузи Миррих (Марс) ва Зухро (Сатурн) улар қаторида бўлади. Натижада буларнинг жамиси 215 (икки юз ўн беш) йил бўлади. Айтишларича, агар умрни бир нарса қирқмаса, инсон эришадиган энг узун умр шудир. Табиий умр эса 120 йилдир, чунки олам Қуёш билан барпо ва бу адад унинг энг кўп йилидир.

Беруний узоқ умр кўришни наслу насабга боғлиқ деб тушунади. Бу айниқса, химяр ва уларга ўхшаш (халқларга) хос бўлиб, Ямома (Жанубий Арабистонда Наж билан Баҳрайин орасидаги бир вилоят) солиқ тўпловчиларнинг ҳикояларига қараганда, у икки мамлакатдан бошқа шаҳарларда учратилмайдиган узоқ умр кўрувчилар топилади. Шунингдек, араблар ва ҳиндларда улардан ҳам кўп яшовчилар мавжуд.

Лекин, у “ҳашвийлар” ва “дахрийлар” деб ёзади олим, ўз даволари фойдасига шундай нотўғри ҳукм чиқардилар. “Агар ҳақиқат уларнинг хоҳишларига тобе бўлганда, осмон ва ер хонавайрон бўлар эди. ...улар тушунчаларида шундай нарсага асосланадиларки, астрологлар унинг тескарисини айтадилар. ...Яъни Қуёш ва Зухро йиллари узоқ умр кўрган деб зикр қилинган (кишилар) умридан анча кўп эканини айтганлар. Демак, 120 йилдан ҳам зиёд умр кўради деганлар. Ўша вақтда астрологияга ишонч жуда кучли бўлиб, унга қарши чиқиш мумкин эмас эди.

Шундай даврда Беруний ёзади: Менинг “Бўяма гапларга қарши огоҳлантириш” номли китобимда ёритқичлардан ҳар бири таъриф этилган бу йиллар ҳақида шулардан фойдаланувчи астрологлар билан бўлган сўзим бор. “(Кишилар) руҳларига шифо берувчи қуёшлар китоби” асаримда шу йилларни ишлатишдаги энг яхши усуллардан фойдаланиш учун қўлланма кўрсатдим.

Демак, астрология соҳасида олим шу давр астрологларидан ҳам бу соҳани яхши эгаллаган. Шу сабаб ҳам қуйидаги хулосаларга келган: Кейин, фақат ҳозирда кўрилаётганлар ва уларга қиёс қилиш (илгариги кишиларнинг) узоқ умр кўрганлари, гавдалари катта ва улар ҳақида тарих китобларида айтилганларнинг аксари мумкинлигини инкор этмайди. Чунки буларга ўхшаш ҳодисалар турли заминда ҳар хил турда юз бериб туради. Бу ҳодисалардан айримларини маълум вақти бўлиб, кетма-кет ўша вақтларда юзага чиқади ва мумкинлик даражасига етгач, ўзгаришга учрайди. Уларнинг вужудга келган вақтини кўрмаган киши (бундай ҳодисани) ақлдан узоқ ҳисоблайди ва кўпинча уларни рад этишга шошилади.

Беруний юқоридаги келтирган маълумотларини тасдиқлаш учун қуйидаги мисолларни келтиради: Жониворларнинг бир-биридан наслланиши, дарахтларнинг ҳосил бериши, экин ва меваларнинг пайдо бўлишидан иборат (вақти-вақти

билан) айланиб келувчи барча ҳодисалар шулар (ақлга сиғмайдиганлар) жумласига киради.

... Бу ҳодисаларнинг (баъзиси турли замонларда давр билан тартибсиз юзага чиқмай, тасодифий юз беради) қандай юзага келиши хаёлга келтирилмаган ва сабаби билинмаган бўлса ҳам, бундай хабарни қабул этмай чора йўқ. Баъзилар бундай ҳолатда юз берса ҳам лекин, улар ўз турларидаги тартибдан чиқиб кетгани сабабли “табиат янгилиши” деб аталади. Бу масала бўйича олим ўзини куйидаги хулосасини чиқаради. Мен уларни бундай ном билан эмас, балки “модданинг мўътадил миқдордан сиртга чиқиши” деб атаган бўлар эдим – деб, ортиқча аъзоли ҳайвонлар ва одамлар тўғрисида тўхталиб ўтган.

Берунийнинг ёзишича, Абу Машраб Балхий билан умр кўриш масаласида савол-жавоб қилиб, у ҳам узоқ умр кўришнинг наслу-насабга боғлиқ эканини тасдиқлагани тўғрисида куйидаги хулосани келтиради: “...Табиат ғолиброкдир. Киши отаси ё онаси, ёки отасининг отаси – бобосининг умрича яшаганда, ўзига келадиган ҳар бахтсизликдан кучли далиллар бўлмаса ўтиб кета олмайди...” агар бундай бахтсизликлар бўлмаса, бобосини ёшидан ўтиши мумкин. Аммо (ишонувчилар) то кўзлари билан кўрмагунларича ўз замонлари ва ўз жойларида учрамаган ҳар бир нарсани инкор этсалар... унда ер юзида ўзлари яшаб турган жойдан бошқа шаҳарлар борлиги тўғрисидаги одамлар гапларини тасдиқ этмасликка ва шунга ўхшаш шармандаликларга йўл қўйган бўладилар.

Нотилийнинг шогирди, Беруний билан бир даврда бирга академияда фаолият юритган Ибн Синонинг ва улардан 100 йил кейин Хоразмда Ануштегинийлар даврида 30 йилдан зиёд улар саройида табиблик қилган, шогирдлари Исмоил Журжонийнинг маълумотларини келтирамиз. “Ёшлар, - дейди Ибн Сино, - умуман тўрт қисмдир:

1. “Ўсиш ёши”, бунга ўсмирлик деб ҳам исм берилади. Бу ўттиз йилгача давом этади.

2. “Ўсишдан тўхташ ёши”, ёки “ёшлик даври”. Бу ўттиздан 35 ёки 40 ёшгача бўлган давр.

3. Қисман қувват бўла туриб, чўкиш ёки ўртача ёшдаги кишиларга мансуб бўлиб, олтмиш ёшгача давом этади.

4. Кучсизлик билан бирга “чўкиш ёши”, бу умр охирига чўзилиб, қариларнинг ёшидир” (Қонун, 1)

Исмоил Журжоний Беруний ва Ибн Синонинг фикрларига кўшилади, лекин “Захирайи Хоразмшоҳий” асарини (1 китобида, 33 б) Хоразм шароитида туғма иссиқлик ва ҳўллик 35 ёшдан кейин то умрнинг охиригача камайиб боради деб ёзган.

Гавдаларнинг катталиги масаласига келсак, бу аҳволнинг ҳозирда кўринмаслиги ва у ҳақда ҳикоя қилинаётган замоннинг давримиздан узоқлиги сабабли у албатта мавжуд бўлган дейилмаса ҳам имкониятдан ташқарида деб бўлмайди. Агар бир гуруҳ одамлар йўғон гавдада (Хивада дўвлар) бўлмаганларида – худо уларни улкан қилиб қўйибди – одамлар уларни доимо тилга олмас ва катталикда уларни одатдагидан юқори бўлган ҳар бир кишини уларга ўхшатмас эдилар.

Абу Райҳон Берунийнинг ўзи тузган асарлари рўйхатининг бошида кўрган туши ва чалинган касалликлари тўғрисида ёзганлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Ҳозир қамарий ҳисобда ёшим 65, шамсий ҳисобда эса 63 га тўлди. Тушим таъбири тўғри келганига – гарчи бунга чиндан қизиқишим бўлмаса ҳам – ажабланмайман. Айтиб ўтган тушим таъбирига келганда, шуни билкилки, албатта киши ўз меҳнатлари ва машаққатларида гарчи у инсонларнинг энг ақллиси ва энг зийраки бўлса ҳам ҳаммиша шодликни орзу қилиб, севинчли нарсаларга моил бўлади ва ёмон кўриладиган нарсалардан тортилади, бу билан жамланиб, (яхши) тушлар билан хурсанд бўлади; шунда фолга ва астрологияга таянади. Мен ҳам

башариятим сабабли ўша вақтларда шундай ҳолда бўлиб, мунажжимлардан туғилган вақтим оқибатларини қараб беришларини сўрардим. Уларга эса умрим ҳақида қаттиқ ихтилоф, уни аниқлашга бошлар эдилар. Қайси бири 16 деса бошқа бири ўзини ёлғонини қилиб, қирқ неча йил дерди. Шунда мен 50 ёшдан ўтган эдим, аммо улардан бошқалар олтмишдан бир оз ошириб юбордилар. Шу вақтларда мен оғир касалликларга чалиниб, ҳатто бир вақтнинг ўзида бир неча дардга гирифтор бўлдим. Баъзи бир касалликлар эса турли вақтларда бирин-кетин келаверди; ниҳоят улар устихонларимни (суякларни) қакшатди, гавдамни йикитди. Сўнгра кексайиб, қувватларим заифлашгандан кейин у даврлардан фориг бўлдим. Бу ҳолатни сабабларини ўрганиш талаб этилади. Ёшим олтмиш биринчига ўтар кечаси туш кўрдим. Умрим тугаганини сездим...

Ёкут ал-Ҳамавий Беруний ҳақида ёзади. Менимча унинг вафоти 440 (1048) атрофларида бўлиб, Абу Райҳон бу маҳалда анча кексайиб қолган пайтлар эди. У киши суҳбати ширин, хушмаишат, ширинсухан, ифбат-номусли, билим ва тушунчада замон бунга ўхшаган бирон кишини кўрган эмас. Беруний 440 ражаб ойини 2-да (1048 йил 11 декабрда) 75 ёшида Ғазнада вафот этди.

Берунийнинг айтишича, одамларнинг гавда тузилиши ҳақидаги афсоналарга асосиз ривоятлар деб қарамайди ва буни илмий асосда исботлаб, шундай дейди:” Чунки одамлар тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигида эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир. Берунийнинг бу маълумоти ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида ҳам қайд қилинган. Аммо Исмоил Журжоний “Захирайи Хоразмшоҳий” (“Хоразмшоҳ хазиначиси”) асарида юқоридаги устозларни узоқ умр кўриш ҳақидаги ғояларини ривожлантириб Ўрта Осиёда биринчи марта геронтология масалаларини ҳам ўрганди. Берунийнинг

(Осор ал-боқия) асари баён этилган масалалар фан тарихини ёритишда муҳим роль ўйнайди.